Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 11-fevral, shanba № 12 (8453)

Боқий фикр

Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Президент Ислом Каримов раислигида 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро, элюртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалгидек фарзандларимизнинг унибўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир", деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, айни пайтда соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етказишнинг самарали тизими ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили, ўзбек спортининг келажаги, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ислом Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этди. Бугун юртимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётгани, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётган кўплаб ёш спортчилар етишиб чиқаётгани спортни, хусусан болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

— Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Болалар спорти иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, болалар спорти объектлари ва спорт залларини зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда.)

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ
ёки биринчи бўлиш масъулияти
3-бет

14-февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун
МУНОСИБ ИБРАТ ДАРСИ
5-бет

"Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ
8—9-бетлар

ҚЎРҚУВНИ ЕНГИШ САМАРАСИ
12-бет

Qizlarining sport bilan shug'ullanishi ularning nafaqat salomatligida, ayni paytda qaddi-qomati to'g'ri shakllanishida, yurish-turishida naqadar muhim ahamiyat kasb etayotganini bugun ota-onalarning o'zlari quvonch bilan ta'kidlashmoqda.

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Мамлакатимизда ҳар йили турли соҳаларда юзлаб янгиданянги объектлар бунёд этилмоқда, аммо фарзандларимиз келажагига, уларнинг баркамол улғайишига хизмат қиладиган болалар спорти объектларини қуриш мазмун-моҳиятига кўра – алоҳида масала. Чунки бу ерда фарзандининг спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама соғлом улғаяётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётганини кўрган ота-она борки, ўзини бахтли ҳис этади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур жамғарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди. Бу эзгу ишга юртимиздаги қатор компания ва ташкилотлар, корхоналар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йиғилишда "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзавтосаноат" компаниялари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Асакабанк" каби жамғармага ҳомийлик қилишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилотлар номи алоҳида таъкидланди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори айниқса сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари – ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медаль (60 олтин) жамғарди. Сув спорти турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз энг кўп медаль олгани алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, қорақалпоғистонлик Абубакир Узақбаев Сингапурда академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга – иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришгани, Қаршининг "Насаф" жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритгани, дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлгани бугун ўзбек спортининг нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Ўтган йили Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Happy Caravan" халқаро турнири муваффақиятли ўтказилди. Тошкентда шахмат бўйича икки жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг ўртоқлик учрашуви юксак савияда ташкил этилди. Мазкур учрашув доирасида Вишванатан Ананд ёш шахматчиларимиз билан семинар-тренинг ўтказди ҳамда уларнинг истеъдод ва маҳоратини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари спорт бугун юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланганини алоҳида қайд этди. Спортни таълим-тарбия билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш бу биз танлаган йўлнинг ажралмас қисмидир.

Ёшларимиз орасида сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, дзюдо, бадиий гимнастика, футбол, мини-футбол, стол тенниси, кураш, юнон-рум кураши, бокс, енгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган "Соғлом она – соғлом бола" мақсадли дастурини амалга оширишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда Ўзбекистонда саломатликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

Спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида бадиий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт мажмуалари бунёд этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида бадиий гимнастика секциялари ҳамда клублари фаолияти йўлга қўйилди.

Қизларни спортга жалб этишда Хоразм, Бухоро, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, болалар спорти объектлари учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Спорт объектларини мураббий кадрлар, айниқса мураббиялар билан тўлдиришга қаратилган ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

Қизларининг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда. Қизларимизнинг мана шундай соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омилларидандир, деди Ислом Каримов.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётир.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик вазифасига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005—2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди. Ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани ҳам бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2011 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

— Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди.

Юртимизда ўтган йилларда спорт мажмуалари бунёд этиш борасида улкан тажриба тўпланди. Бугун энг чекка ҳудудларда қад ростлаётган спорт иншоотлари ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беради. Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб 30 замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларининг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз спорт анжомларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан бирга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, кўриниши болаларни ўзига тортадиган, қулай ва хорижникидан қолишмайдиган спорт инвентарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда болалар спорт иншоотларини қуриш, уларни жиҳозлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг истиқболдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Акромов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҮЙҒУНЛИГИ

ёки биринчи бўлиш масъулияти

Бугун умумтаълим мактабларида янгидан-янги тажрибалар, илғор ташаббус ва ғоялар, замонавий педагогик технологиялар ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда. Бу ташаббуслар ўқитувчи меҳнатини муносиб баҳолаш, мактабларда соғлом ижодий муҳитни шакллантириш, фарзандларимиз билим самарадорлигида юқори натижаларга эришиш каби кўпдан-кўп ютуқларга замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 52-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда унга кўра, туман халқ таълими бўлимларининг шаклан ва мазмунан ўзгарганлиги узлуксиз методик хизматни самарали ташкил этишга ижобий таъсир кўрсатди. Энди халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари методистлари мактабларга аввалгидек «комиссия» ёки «инспектор» сифатида эмас, аксинча, педагогларга таълимий, психологик, дидактик жиҳатдан ёрдам кўрсатадиган, ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда амалий кўмак берадиган ҳамкасб сифатида кириб келмоқда.

Наманган вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Учқўрғон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассислари қам ана шу янгича талаб ва мезонларга асосан ишни йўлга қўя олганлиги бугун мазкур тумандаги мактабларда юз очаётган кўплаб янгиликлар ва ютуқлардан кўриниб турибди. Таъкидлаш лозимки, 2010-2011 ўқув йили якунларига кўра Учқўрғон тумани вилоятда етакчиликни қўлга киритди.

— Мазкур қарор фаолиятимизнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим туртки бўлди. Ўқитувчиларимиз бугун дарсларни янада қизиқарли ва мазмунли ташкил этишда бўлимимиз методистлари томонидан керакли маслаҳат ва методик ёрдамларни олишмоқда, — дейди бўлим мудири Икромжон Жўраев. — Айниқса, янги ғоялар ва ташаббуслар дарсларни ноанъанавий тарзда ташкил этишда катта роль ўйнамоқда. Таълим ва тарбияни ўйғун олиб боришда мактабларимизда юзага келаётган янги тажрибалар, уларнинг методистларимиз томонидан янада бойитилаётганлиги ва мазкур ҳамкорликлар ўзининг амалий натижаларини тез фурсатда кўрсатаётгани бизни қувонтирмоқда.

«Маслаҳатчи отахонлар»

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида самарадорликка эришиш мақсадида турли тадбир ва танловлар ўтказиш билан бир қаторда тумандаги мактабларда ташкил этилган «Маслаҳатчи отахонлар» гуруҳи ўқувчилар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ота-оналар билан ҳамкорликни янада такомиллаштиришда қўл келмоқда. «Маслаҳатчи отахонлар» гуруҳлари жамоатчилик асосида ташкил этилиб, унга узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилган, маҳалла-кўй ўртасида обрў-эътиборли, беминнат маслаҳатлари билан ёшлар онгига таъсир ўтказа оладиган отахонлар аъзо қилинади. Улар йил давомида иш олиб боришади ва ҳар ҳафтанинг жума кунлари умумтаълим мактабларидаги маънавият дарсларида машғулот ўтказишади. Эътиборли жиҳати, гуруҳ аъзолари мактабларда таълим олаётган бўш ўзлаштирувчи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор, тарбиясида бўшлиқ пайдо бўлган ўқувчилар билан биргаликда, фарзандининг таълим олишига эътибор бермаётган, тарбиясига салбий таъсир ўтказаётган ота-оналар билан ҳам иш олиб боришади. Натижалар чакки бўлмаяпти. Мактабларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг кескин камайишига эришилгани ташаббус нечоғли муваффақият келтираётганига исботдир.

Мактабдаги мактаб

Учқўрғонлик таълим фидойиларининг вилоятда пешқадамликларида бош омил бўлаётган яна бир ташаббус «Бувижонлар мактаби»дир.

Мактабларда, асосан, ўқувчи-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларга ўзбек аёлига хос ибоҳаё, иффат, назокат каби тушунчалар моҳиятини англатиш, педагогик, ҳуқуқий, психологик, тиббий, маънавий-маърифий билимларини ошириб боришга катта эътибор қаратилади. Таълим муассасаси психологи, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ФХДЁ бўлими вакили, «Оила» илмий-амалий маркази вакили, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари ўсмир қизлар врачлари, меҳнат нафақасига чиққан намунали оила бувижонларидан иборат аъзолар томонидан балоғат ёшидаги ўқувчи-қизларга ҳар ҳафта педагогик ва психологик маслаҳатлар берилади. Қизларнинг қизиқиш ва иқтидорига қараб, таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтиришда ота-оналар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилади.

Ёрдамчи хўжаликлар ёрдами

Туманда таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш, ўқувчиларни меҳнатсеварликка ўргатиш борасида ҳам ўрганса арзийдиган ишлар талайгина. Таълим сифати ва самарадорлигига эришишда «Директор жамғармаси» ҳисобидан тўланадиган устама ҳаққа қўшимча равишда илғор ўқитувчиларни ҳамда иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириб бориш йўлга қўйилган.

Савол туғилади: хўш, мактаблар бу маблағни қаердан олишади? Жавоб оддий – ҳар бир мактабда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган бўлиб, улардан тушган даромадлар мактаб касаба уюшмаси қарори билан таълим самарадорлиги йўлида сарфланмоқда. Қолаверса, табиатшунослик, биология, атрофимиздаги олам, меҳнат каби фанларни табиат қўйнида, жонли тарзда ташкил этишга эришилмоқда.

Мисол учун, тумандаги умумтаълим муассасалари ҳисобидаги 8,35 га. ер майдонида мева-сабзавот етиштириш, ҳосилдорликни ошириш бўйича бизнес-режалар тузилди. 2-, 3-, 12-мактабларда эса чорвачилик йўналишида, 1-, 5-, 9-, 10-, 14-, 20-, 21-, 30-мактаб ўқувчилари «Биоэкосан» маркази»да қуёнчилик тўғараги, бошқа мактаблар эса паррандачилик йўналишида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этдилар.

Тенгдош — тенгдошга ёрдамчи

Маълумки, ўқувчиларни сифатли таълим олишлари билан биргаликда уларда мустақил фикрлашни шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирларига билим олишда ёрдам беришлари келажакда уларнинг етук шахс бўлиб улғайишида муҳим омилдир. Буни чуқур англаган Учқўрғон туман халқ таълими ходимлари мактабларда ҳар ой якунида «Тенгдош — тенгдошга» лойиҳаси доирасида ўқувчилар бошқарув кунларини ўтказишни йўлга қўйишган. Белгиланган кун мактабда ўқувчилар тенгдошларининг дарсга тайёргарлиги, тартиб-интизом ва давомати юзасидан назорат ўтказиб, ҳисобот тайёрлайдилар.

Шунингдек, ўқувчилар ўртасида «Нафосатли ёш қаламкашлар», «Аждодлар мероси ва бой тарихимиз буюклик рамзи», «Сиз қонунни биласизми?», «Гуллар ва қушлар байрами», «Ўзбекистон — Ватаним маним» каби танловлар, «Болалар қонун ҳимоясида», «Маънавият — қалб қуёши», «Инсон шаъни — муқаддас», «Қулликка рози бўлманг», «Диний экстремизм ва терроризм — тинчлик ва тараққиёт душмани» каби долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этишда методист ва ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги яққол сезилмоқда. Ушбу учрашув ва давра суҳбатларининг мазмунли, ўқувчининг психологик ва фикрлаш доирасига мутаносиб ҳамда қизиқишларини қамраб олган ҳолда ташкил этишда бой методик манбага эҳтиёж сезилади, албатта. Бунда методистнинг тутган ўрни муҳим.

Ҳамкорлик самара бермоқда

Юқоридаги изланиш ва ташаббуслар табиийки, бесамар кетмаяпти. Мисол учун, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида кейинги уч йил давомида тумандан 21 нафар ўқитувчи қатнашган бўлса, улардан уч нафари биринчи, бир нафари иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳар қандай меҳнат натижасига қараб баҳоланади. Шу маънода туман педагогларининг ҳаракатлари натижасида ўқувчилар фан олимпиадалари, билимлар беллашуви ва бошқа танловларда юқори ўринларни эгаллашмоқда. Мисол учун, 2010-2011 ўқув йилида 67 нафар ўқувчи фан олимпиадаларининг вилоят босқичида иштирок этган бўлса, 6 нафари 1-, 7 нафари 2-, 9 нафари 3-ўринларни эгаллади. Якунда туман вакиллари вилоятда иккинчи ўринни банд этишди.

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда тумандаги мавжуд 7та кластер мактаби фаолияти муҳим ўрин тутмоқда. Унда умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Дарсларда «ZiyoNet» ахборот таълим портали маълумотларидан фойдаланиб, ўқув жараёнини самарадорлигига эришилмоқда.

Ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида тумандаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда ҳам одатийликдан чекинган ҳолда ўқувчилар ва ота-оналар қизиқишини уйғотадиган ноанъанавий тадбир ва учрашувлар ташкил этиш бўйича ҳам янги тажрибалар устида иш олиб борилмоқда экан.

Шунингдек, таълим муассасаларида психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, умумий ўрта таълим мактабларининг касб-ҳунарга йўналтирувчилари ҳамда амалиётчи психологлари салоҳиятини юксалтириш мақсадида туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида ўқув кунлари ташкил этилган.

Ilg'or tajriba

Сир эмаски, бугунги кунда мактабгача ва мактабдан ташқари таълим самарадорлигини оширишда кўпроқ методик ёрдамга эҳтиёж сезилмоқда. Шу боис туманда мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгиланган. Тумандаги «Баркамол авлод» маркази қошидаги 26та тўгаракда ўқувчилар «Техник ижодкорлик», «Ўлкашунослик ва экология», «Бадиий ижод» йўналишларида қизиқишларига кўра машғулотларда иштирок этишмоқда. Марказ ўқитувчилари ва техник усталарининг мунтазам равишда очиқ дарс ва семинар-машғулотлари ташкил этилаётганлиги ходимлар орасида ўзаро тажриба алмашиш муҳитини юзага келтирмоқда. 2010-2011 ўқув йили давомида ўқитишнинг янги усулларини ўқув жараёнига татбиқ этилишини таъминлаш борасида 10дан ортиқ семинар-тренинг, очиқ дарс ва турли тадбирлар ташкил этилди. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш мақсадида илғор ўқитувчилар банки ташкил этилган. Туман бўйича аниқланган 218 нафар фаол ўқитувчининг иш тажрибаси нафақат туман, балки вилоят, республика миқёсида оммалаштирилди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан илғор педагогик технологияларни умумтаълим мактабларида тажрибасиновдан ўтказиш мақсадида республика бўйича ташкил этилган 28та умумтаълим мактабининг бири ҳам мазкур туманда жойлашганлиги ўқитувчилар билим ва маҳоратига билдирилган ишонч рамзидир, десак хато бўлмаса керак. Тумандаги 1-мактаб ана шундай тажриба-тадқиқот майдони сифатида танлаб олинди. Ҳозирда тажрибали ўқитувчи Каримахон Эшонқулова ушбу тадқиқот майдонида самарали фаолият олиб бормоқда. Унинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилди. Фанлар ва йўналишлар бўйича 84 нафар доимий тренер-ўқитувчи сифатли ва самарали таълим-тарбия беришнинг илғор усулларини таълим жараёнига татбиқ этмоқда. Илғор ўқитувчиларнинг бой тажрибаларидан самарали фойдаланиш мақсадида «Устоз-шогирд» мактаблари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Тумандаги 21та фан йўналиши бўйича ана шундай мактаблар иш олиб бормоқда устоз-ўқитувчи ишлаётган мактабларда «Касбий маҳоратни ошириш устахонаси» ташкил этилган. Фанга ва педагогик технологияларга оид методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар, фотоальбомлар ва электрон дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. Устоз ва шогирдлар томонидан ўтказилган «Очиқ дарс»лар таҳлил қилиниб, зарур маслаҳатлар берилмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Dasturning yana bir qulay jihati, unda bitiruvchi sinf o'quvchilarining turli sharoitga ko'ra, bir maktabdan boshqasiga ko'chishi natijasida yuzaga keladigan o'zgarishlarni qayd etib boruvchi bo'lim tashkil etildi.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан буюк шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Улуғ бобомиз туғилган сана муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, маънавият ва таълим фидойилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган шоир асарлари инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шахс тарбияси каби эзгу ғоялар билан йўғрилгани боис мангуликка дахлдордир. Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқотчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳосига башариятнинг чексиз эҳтироми рамзидир. Зеро, сайёрамизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мислсиз курашлар кечаётган бугунги мураккаб шароитда Навоий мероси янада долзарб аҳамият касб этаётир.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг артистлари буюк шоир асарларидан намуналар ўқиди.

***

Пойтахтимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби: истиқлол арафасида янги авлод кадрларни тайёрлаш концепцияси самаралари" мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари иштирок этишди.

Таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида нафақат миллий кадрлар салоҳияти юксалди, балки 1,6 мингга яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, қарийб 10 мингта умумтаълим мактаби, 200 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби замонавий талаблар асосида янгидан барпо этилди. 1 минг 200 дан зиёд болалар спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди ва жиҳозланди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган олий ва ўрта махсус таълим, кадрлар малакасини ошириш тизими шакллантирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Олий бизнес мактаби тингловчиларининг "Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида" китобини таълим тизимида чуқур ўрганишнинг аҳамияти, раҳбар кадрлар масъулиятини оширишда асардан ибрат намунаси сифатида фойдаланишга оид маърузалари тингланди.

***

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишга бағишланган республика илмий-амалий анжуманининг 56-йиғилиши бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шоир ва ёзувчилар, ёш тадқиқотчилар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари, журналистлар, мумтоз адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида олиб борилаётган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Навоийнинг барҳаёт меросини кенг тадқиқ этишга қаратилмоқда. Бундай тадқиқотлар натижасида шоирнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами чоп этилди. Ўтган йил ушбу асарнинг электрон версияси яратилиб, интернет саҳифаларига жойлаштирилди.

Анжуманда Навоий ижодини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган янги илмий тадқиқотлар, янги нашрлар, бу йўналишда йўлга қўйилган халқаро алоқаларга оид маърузалар тингланди.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Тошкент шаҳрининг Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник механик, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, автоматика воситалари ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техники, пайвандлаш жиҳозлари механиги, маиший хизмат техникаси ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста, бухгалтер, молиячи, автомобиль электр ва электрон жиҳозлари диагностикаси техники, маиший хизмат машиналарини таъмирлаш, компьютер тармоқларини монтаж қилиш ва таъмирлаш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллеждаги ўқув ва лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, амалиёт учун мўлжалланган устахоналар ўқувчилар ихтиёрида.

Билим даргоҳида «устоз-шогирд» йўналиши бўйича кенг кўламда иш олиб борилаётгани коллеж билан бандликка кўмаклашиш марказлари, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустаҳкамланишида, ўқувчилар амалиётни муваффақиятли ўтаб, ишга жойлашишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Машинасозлик коллежини 2011 йилда 470 дан ортиқ йигит-қиз тамомлади ва деярли барчаси иш билан таъминланди. Улар ҳозир турли корхоналар, заводлар, автосаройлар, банк-молия муассасалари, хусусий тадбиркорлик фирмалари, тикувчилик цехларида ишламоқда.

Жорий йилда Юнусобод туманидаги машинасозлик коллежини қарийб 450 нафар ўқувчи битиради. Ҳозирга қадар уларнинг аксарияти билан коллеж ва корхоналар, автосаройлар, банк-молия муассасалари, хусусий фирмалар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди. Бу жараён давом этмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

МАЪРИФИЙ ГУРУНГ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Бизким ўзбеклар» ва «Руҳий озиқ маҳзани» китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Бизким ўзбеклар» халқимиз, айниқса, ёш авлод томонидан қизғин кутиб олинган ва севиб ўқилаётган китоблардан биридир. Буни китобнинг шу кунгача тўрт марта нашр этилгани ҳам исботлайди. Тақдимотда сўзлаганлар, жумладан, таниқли олим ва ёзувчилар Бахтиёр Назаров, Муҳаммад Али, Муҳаммаджон Қуронов, Эркин Самандар ва бошқалар ушбу китоб бадиий ва илмий публицистиканинг ёрқин намунаси бўлганини, адибнинг узоқ вақт синчковлик билан манбаларни ўрганиб, энг ишончли маълумотларни тақдим этганини таъкидлашди.

«Руҳий озиқ маҳзани» китоби ҳам бугунги шиддатли давр руҳига ҳамоҳанглиги, ишончли тарихий далилларга асосланилгани билан қимматлилиги эътироф этилди.

Китоб ҳақидаги, айниқса, яхши китоблар ҳақидаги суҳбатнинг завқи бошқача бўлади. Ушбу тақдимот тадбири маърифий гурунгга айланганини, бундан ўзгача маънавий завқ олганини таъкидлаган ҳофиз Ҳасан Ражабийнинг бир жуфт ашуласи даврага файз бағишлади.

Тадбир сўнгида Абдуқаҳҳор Иброҳимов ушбу китобларнинг ёзилиш ва нашр этилиши тарихи ҳақида сўзлаб, барча иштирокчиларга миннатдорлик билдирди.

МУХБИРИМИЗ

mb.uzedu.uz ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Жорий ўқув йилида республикамиздаги 9794та умумтаълим мактабининг 9-синфини 560449 нафар ўқувчи битириши кутилмоқда. Уларни таълимнинг кейинги босқичига кенг жалб қилиш долзарб масалалардан биридир. Бу борада халқ таълими тизимида ишлар кенг қамровда амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган йилдан бошлаб илк бор битирувчилар ҳақидаги маълумотлар базаси шакллантирилиб, уларнинг ҳужжатларини академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш интернет тармоғи орқали амалга оширила бошланганди. Бу иш Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz сайтидаги bitiruvchi.uzedu.uz электрон дастури ёрдамида олиб борилди. Мазкур ўқув йилида ҳам бу иш ушбу дастур ёрдамида уч босқичда амалга оширилади. Дастурнинг номи ҳам mb.uzedu. uzга ўзгартирилиб, унинг фаолияти янада такомиллаштирилди.

O'quv seminar

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази мутахассислари томонидан ушбу дастур билан ишлашни ўргатишга қаратилган ўқув семинари ташкил этилди. Унда Халқ таълими вазирлиги ҳамда ташхис марказининг масъул ходимлари, марказнинг вилоятлардаги вакиллари ҳамда компьютер мутахассислари иштирок этишди. Семинар давомида иштирокчиларга дастурдан фойдаланиш, ундаги янгиликлар ва ўзига хос жиҳатлар ҳақида батафсил тушунча берилди.

— Ушбу дастурнинг самарали ишлашини йўлга қўйиш мақсадида сервердаги ўтган йили учраган айрим муаммолар бартараф этилди, — дейди ташхис маркази директорининг биринчи ўринбосари Камолиддин Жўрабоев.

Дастурнинг яна бир қулай жиҳати, унда битирувчи синф ўқувчиларининг турли шароитга кўра, бир мактабдан бошқасига кўчиши натижасида юзага келадиган ўзгаришларни қайд этиб борувчи бўлим ташкил этилди. Шунингдек, дастурдан барча умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг номлари, улардаги йўналишлар бўйича маълумотлар базаси ҳам жой олди.

Ўқув-семинарнинг иккинчи қисмида қатнашчилар ўз олган билимларини амалда синаб кўрдилар. Тадбир сўнгида сўровнома орқали иштирокчиларнинг дастурни янада такомиллаштириш борасидаги таклиф-мулоҳазалари олинди.

Аброр УМАРҚУЛОВ, "Ma'rifat" мухбири

Zahiriddin Bobur sadoqatli ota sifatida hamisha farzandlarining ahil yashashlarini, og'ir damlarda bir-birlariga ko'makka intilishlarini bir umr istab kelgan. "Boburnoma"ning juda ko'p sahifalarida u to'ng'ich o'g'li Humoyunga ukalariga nisbatan mehribon bo'lishni, ularning kamchiliklarini kechirishni, saltanat yurgizishda bir yoqadan bosh chiqarishga erishishlarini istab murojaat qilganini ko'ramiz.

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

МУНОСИБ ИБРАТ ДАРСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, энг аввало, унинг "Бобурнома" асари, мислсиз шеърий девони, ҳуқуқ ва диний аҳкомларни назмда ифодалаган "Мубаййин" асари, Хожа Аҳрори вали "Волидийа" асарининг моҳир таржимони, Алишер Навоийдан сўнг "Аруз" рисоласини яратган адабиёт назариётчиси, ўз даврининг юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлган саркардаси сифатида биламиз. Уни биз меҳрибон ота, қариндошларига шафқат ва меҳр кўргазган инсон тарзида ҳам тасаввур этамиз.

2012 йилнинг Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Қадриятларимизда айнан оиланинг мустаҳкамлиги, ота-она ва зурриётлар, қариндошлар орасидаги соғлом муносабат жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, ҳар қандай даврда ҳам салтанатни бошқаришнинг асоси бўлиб келган. Биз улуғ адиб, подшоҳ Бобурнинг ўз оиласига, қариндош-уруғларига бўлган муносабатида бу бағрикенг инсоннинг улуғ хислатларига назар солишни мақсад этдик.

"Бобурнома"да, шоирнинг дилбар ғазалларида, қизи Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарида ота Бобур ҳақидаги энг самимий, уларнинг темурийзодалар орасида ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишлари учун олиб борган тарбиявий аъмолларидан бохабар бўламиз. Амир Темур салтанати ягоналигини асрашга интилган саркарда Бобур бир лаҳза бўлса ҳам фарзандлари тарбиясини унутиб қўймади, ўғиллари Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол ҳамда Аскарий, қизи Гулбаданбегим ва бошқа зурриётларининг тақдири унинг номуси эди.

Бобурнинг тўнғич ўғли Ҳумоюнга, Комронга ёзган "Васиятнома"ларини мутолаа этар эканмиз, бу тарихий муҳим манбаларда унинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати, салтанати келажаги ҳақида хавотирда бўлган отанинг ташвишларини кўрамиз. Бобур фарзандлари олдига юксак ахлоқли бўлиш, салтанат бошқаришда саводлилик, матнларни хатосиз ёзиш, хатда ҳам, имлода ҳам эстетик назоктга асосланиш ва бошқа талабларни қўйган.

Бобурнинг ўғли Ҳумоюн мирзога ёзган мактуби ўз даври ёшларигагина эмас, бизнинг ёшларимиз тарбиясига ҳам қаратилган дейиш мумкин. Бунда фарзандларнинг ўз оталаридан вақтида хабар олмаслиги масаласи жиддий ўртага қўйилган. Халқда мақол бор: "Бир ота ўн фарзандни боқа олади, ўн фарзанд бир отани боқа олмайди". Бобурнинг Ҳумоюндан ота сифатида қилган гинаси ҳам шунга қаратилган. Бунда ота Ҳумоюнни нақадар меҳр билан севиши, фарзанднинг эса бу меҳрни чуқур англамагани, бобурийлар салтанатининг вориси бўлишига қарамасдан, отасига гиламандона мурожаат этганлиги темурий шаҳзодаларга хос эмаслигини Бобур таъкидлаган. Биргина мана шу далилнинг ўзи ҳам отанинг ўз ўғлига қарата давлат ишларида, умуман, турмушда шиддат билан иш тутиш, бировнинг кўмагига қарамай ижодий ҳаракат қилиш каби масалаларни мустақил ечишга оид фикри мавжуд. Унда эрка фарзандларда ҳам шижоатни тарбияловчи муҳим оҳанг мавжуд.: "Яна сендин озроқ гилам бор, бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлурму? Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузлуқким, дебсен, подшоҳлиқта айбдур, нечукким дебтурлар:

Агар пой банди ризо пеш гир,
Ва гар яксувори сари хеш гир.

(Мазмуни: *Агар оёғинг банд бўлса, ризони олдингга қўй, агар танда сувора бўлсанг, ўз бошингга бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кетабер.)* Ҳеч қайда подшоҳлиқ қайдича йўқтур. Подшоҳлиқ била ёлғузлуқ рост келмас".

Заҳириддин Бобур мактубни давом эттирар экан, ёш ўғли тарбиясидаги энг асосий жиҳат – матндаги саводхонлик ҳақида сўз юритади. Бобурнинг бу фикрларини бугунги кунда ҳам ўз ёзма фаолиятида имловий, услубий хаталарга йўл қўядиган ҳар бир шахсга нисбатан қаратилган деса бўлади. XV—XVI асрларда темурийлар салтанати ва, умуман, бошқа ҳудудларда ҳам шаҳзода, беклар ва хатту имло билан боғлиқ шахсларнинг етук саводхонлиги ўта қадрланган, бу уларнинг комил инсонликка даъвогарлик мезонида алоҳида таъкидланган ҳам. Бобурнинг юксак билим ва тажрибага эга бўлганлиги, имло ва саводхонликка юксак эътибор берганлиги, буни бошқалардан, айниқса, ўғли Ҳумоюндан жиддий тарзда талаб қилганлиги унинг бошқарувида имлога бўлган юксак талаб ва эҳтиёжни ҳам бизга етказган. Айни пайтда, Ҳумоюн хат-мактубларидаги имло ғалатлиги, ҳуснихатнинг ночорлиги, мантиқий занжир таъминланмаганлиги, фикр баёнида уйғунлик мавжуд эмаслиги ва бошқа қусурлар шоҳ, адиб Бобурни жуда хафа қилган. Бу танбеҳларнинг асосли ва муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мактубдан кўринадики, Бобур бу масалани Ҳумоюнга бир неча марта айтган, бироқ натижа бўлмагани боис мактуб билан мурожаат этганга ўхшайди: "Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқимайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқийолмас эдинг. Ўқийолмагандан сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўлур, вале асру муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас. "Илтифот"-ни "то" била битибсен. Қулунжни "ё" била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур...".

Бобурнинг Ҳумоюнга битган бу мактубида юқоридаги жиҳатлар қатори салтанатни бошқариш дарси ҳам мавжуд. Унинг ҳар бир мулоҳазаси ўринли, дунё ташвишлари сарой вакилларининг хиёнати ва номардлигидан келиб чиққан ҳолда баён этилган. Бунда биз Бобурнинг давлат бошқарувида демократик принципга асосланиш, имкон қадар, Ҳумоюннинг ҳар бир масалани атрофдаги ишонарли беклар ва султонлар билан бамаслаҳат ҳал қилиши лозимлиги, зинҳор "иш кўрган, раъй ва тадбирлиқ беклар била кенгашиб аларни сўзи била амал қилиш"ни таъкидлагани ҳам давр ёшларини дўст тутинишда эҳтиёт бўлиш, барчага сирасорини билдирмаслик каби хислатларни тарбиялашга қаратилган: "Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз — унга қарор бергайсан".

Бобурнинг ушбу мактубидаги ёшлар тарбиясига бевосита боғлиқ бўлган яна бир нозик жиҳатга диққатни қаратмоқчимиз. У ҳам бўлса озгина устунлик, мансаб пиллапоясига эга бўлган, номдор аждодларига суянган, муайян моддий имкониятга эга ёш йигитларнинг ёши ва обрўси катта кишилар билан тенгдошлари қатори ҳазил-мутойибага киришишлари, уларни кўпчилик олдида изза қилишларининг олдини олиш мақсадида билдирган фикридир. Назаримизда, Ҳумоюн ҳам Бобурнинг номдор беги, ҳазилкаш Хожа Калон билан айнан шундай муомалада бўлганки, Бобур Ҳумоюнга ўринли танбеҳ берган. Бу танбеҳ бугунги айрим ёшлар учун ҳам ибрат дарсидир: "Яна, Хожа Калон, менинг била густохона ихтилот қила ўрганиб эди, сен доғи, нечукким мен Хожа Калон била ихтилот қилур эдим, ўшундоқ ихтилот қилғайсен".

Бобурнинг оилага бўлган муносабати фақатгина фарзандлари мисолида кўринмасдан, бутун оила аъзолари – хотини, қариндошлари, ўзига бевосита ва билвосита яқин бўлган атрофидаги шахслар мисолида ҳам кўринади. Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" асарида отаси Бобурнинг оилага бўлган муносабати борасида характерли бир мисол келтиради. Бунда бошқа Шарқ подшоҳу султонлари, ҳатто темурийзодалар ҳаёти мисолида мисли кам кўринадиган лаҳза тасвирланган. Бобур Ҳиндистонда йирик душмани Рана Сангаа устидан ғалаба қозонгач, бир йилдан сўнг(1529 йил) унинг Аградаги саройига хотини Моҳимбегим ўз ҳамроҳлари билан ташриф буюради. Ота Бобур ва она Моҳимбегимнинг бу учрашуви саҳнаси бобурийлар салтанатининг подшоҳи нақадар оилавий муносабатда юксак садоқатга эгалиги, аёли эҳтиромини инсон сифатида адо этгани, ҳатто ўша шариат қонунлари ҳукмрон бўлган бир даврда Моҳимбегим оти жиловини ушлаб саройгача яёв келганлиги, бу учрашувга қанчалик ошиққанлигининг ўзи бу буюк шахснинг қанчалик оила посбони бўлганлиги, зурриёти онасининг унинг қалбида юксак меҳри борлигининг гўзал ифодасини кўрамиз: "...Онам Моҳимбегим Кобулдан Ҳиндистонга келдилар. Мен подшоҳ Бобомни(яъни Бобурни — Ҳ.Қ.) кўргани у киши билан бирга опаларимдан олдин келдим. Онам Кўлга етганларида подшоҳ ҳазратлари уч отлиқ маҳофа юбордилар. Биз Кўлдан Агра томонга тез йўл олдик, подшоҳ ҳазратлари бизни Жалолий кўлида учратишни мўлжаллагандилар. Намозшом пайтида бир киши келиб, "Ҳазратни икки курва нарида қолдириб келдим", деди. Подшоҳ Бобом ҳазратлари то от келтургунларигача тоқат қилмай, пиёда йўлга тушиб Нинча Моҳим уйлари олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ Бобом қўймасдан, ўзлари онамнинг отларининг жиловларидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда келдилар".

Заҳириддин Бобур садоқатли ота сифатида ҳамиша фарзандларининг аҳил яшашларини, оғир дамларда бир-бирларига кўмакка интилишларини бир умр истаб келган. "Бобурнома"-нинг жуда кўп саҳифаларида у тўнғич ўғли Ҳумоюнга укаларига нисбатан меҳрибон бўлишни, уларнинг камчиликларини кечиришни, салтанат юргизишда бир ёқадан бош чиқаришга эришишларини истаб мурожаат қилганини кўрамиз.

Бу фикримизни Бобурнинг фарзанди Комрон мирзога ёзган махфий "Васиятнома"си муайян даражада исботлайди. Бу ота, шоҳ Бобурнинг ўз ўғли Комрон мирзога насиҳат тариқасидаги махфий мактуби бўлиб, Бобурнинг ноиложликдан ўғлига хуфиёна мурожаатидир. У ўғиллари орасида Комроннинг нисбатан саркаш, акаси Ҳумоюнга ҳамиша ҳам бўйсунмаган, юрт талашишга мойилроқ хислати борлиги боис мурожаат қилган. Бунда ота Бобурнинг ўғлига давлатчилик ишларидаги тилаклари, насиҳати ва ўкинч аралаш фарзандига билдирган дастурида бу фарзандидан инсоф, эҳтиёткорлик, дўст танлашда кишиларни диққат билан ўрганиб, кейин хулосага келиш каби тарбиявий чақириғи бор.

Бобур назарида ёшлар ҳамиша таж-рибали, юксак инсоний хислатларга эга, андишали, садоқат билан йўғрилган қалбга эга шахсларга суянишлари яхши натижа беришини таъкидлаган. Ҳаётда, давлат бошқарувида ҳам хушомадгўй шахс хавфли, унинг мақтови замирида шахсий манфаати борлигини таъкидлаган Бобур бунда фақат шаҳзода Комронга насиҳат қилмасдан, давр ёшларига ҳам ибрат дарсини берган. Унинг бу насиҳатлари бизнинг замонамиз ёшлари учун ҳам юксак қимматини йўқотгани йўқ. Ота Бобур одамшунослик дарсини ўқир экан, бу мураккаб жараённи англаш, амал қилиш кўп жиҳатдан кишилик умрининг асосини ташкил этишини уқдирганки, жуда муҳим: "Хуросон эли хуштабъ эл-дурлар, ҳайсиятларида сўз йўқтур... Ул элдин имтиҳон қилиб (сен) эшикингга йўл беруб, вакили мутлақ этиб, ғофил бўлмагайсен. Кичик ёшлиқ эрса, алардин кенгаш сўруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи била амал қилиб, асло ва мутлақо ҳеч муҳимга иштиғол қилмагайсен... Хушомадгўй сўзиға фирифтайи бўлуб, давлатхоҳларким, давлатга муносиб сўзни эшитиб, кўруб-билиб, келиб юзунга қотиқ айтурлар, аларга ачиқ(лан)мағайсен. Агарчи юзунга филҳол қотиқ кўрунур, охир неча кулдирур. Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдира айтур."

Бобурнинг оилага бўлган муносабати фақатгина унинг ўзининг оиласига бўлган қарашлари билан кифояланмайди. У ўзининг ягона улуғ мақсади — Амир Темур салтанатини аввалги даражасида сақлаш, темурийзодаларнинг бирлигига эришиш учун жуда кўп яқинлари, қариндошу беклари ва аъёнларининг унга нисбатан қилган хиёнатлари, алдову фитналарини кечирди, касри нафсини йиғиштириб бўлса ҳам, мақсади сари илдам борди.

Бобурнинг оилага муносабати, қариндошлари, қизлари ва невараларига юксак меҳрини ифодаловчи яна бир парчани "Ҳумоюннома"дан келтирмоқчимиз: "Мен Бобом халифасининг уйида ўтирдим, бизга турли хил овқатлар тортдилар. Элликка яқин қўй сўйилиб, қовурдоғ пиширилган эди. Нон ва турфа хил мевалар, шира ва шарбатлар кўп эди. Овқатланиб бўлгач, маҳофага ўтириб, ҳазрат подшоҳ Бобом олдиларига бориб, кўришиб, оёқларига ўзимни ташладим. Ҳазрат кўп ҳолу аҳвол сўрадилар. Бир неча вақт тиззаларига олиб ўтирдилар, шу вақтда ўзимни шундай бахтли ҳис қилдимки, уни тасвирлаб бўлмайди".

Юқоридаги қизнинг меҳрибон отасига билдираётган шаффоф, гўдак қалбидан чиқаётган меҳр унинг тўла икроридир. Бобур ота сифатида бундай меҳрга лойиқ буюк шахс эди.

Ҳасан КУДРАТУЛЛАЕВ,
профессор, Бобур мукофоти совриндори

Niholning o'sib, ulkan daraxtga aylanishi uchun unga yaxshi parvarish kerak: eng avvalo, yaxshi joy topib, ekiladi. Keyin vaqtida suv quyilib, tagi yumshatib turilishi lozim. Birgina e'tiborsizlik yosh daraxtni nobud qilishi mumkin. Bola tarbiyasi ham shunday, nazarimda.

Жасурбек Ражапбоев бу йил ўн бир ёшга қадам қўяди. Ўтган йил унинг учун жуда омадли келди: туман ва республика миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловларда иштирок этди, катта-кичик натижаларга эришди. Айниқса, «S-Iqbol» телерадиокомпанияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Олтин микрофон» танловида «Йилнинг энг ёш хонандаси» номинациясини қўлга киритиши Жасурбекка ғайрат ва иштиёқ бағишлади.

Жасурбек 2001 йили Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида Қирққизобод қишлоғида туғилган. 2008 йили Элликқалъадаги 1-мактабга биринчи синфга қабул қилинган. У табиатан бироз тортинчоқ, камгап ва интилувчан. Мактабда аъло хулқи, уйга вазифаларни ўз вақтида тайёрлаб келиши, дарсларда фаоллиги билан тенгдошларидан ажралиб туради. У, айниқса, аниқ фанларни жуда яхши кўради. Жасурбекнинг мактабдан бир кун ҳам қолмаслиги, фанларни зўр иштиёқ билан ўзлаштираётганини кўрган онаси ўқитувчи ёки иқтисод соҳасини танласа керак, деб умид қилган эди. Лекин Жасурбек ўз олдига санъаткор бўлишни мақсад қилиб қўйди.

ШИЖОАТ ВА РАҒБАТ

Илк қадам

Хўш, санъатга бўлган қизиқиш унда қачон ва қандай пайдо бўлди? Унинг истеъдоди қандай «кашф этилди»? Буни қаҳрамонимизнинг онаси Насиба Собурова билан суҳбатлашиш орқали билиб олдик.

— Янги йил байрами эди, — деб гап бошлади Насиба опа. — Оила даврасида байрамни нишонлаб ўтиргандик. Шунда ўғлимда санъатга меҳр бўлакча эканлигини пайқаганман. Телеэкран орқали хоразмлик хушовоз хонанда Наврўзбек Собировнинг қўшиғи янгради. Унинг овозини эшитган заҳоти ўғлим қарсак чалиб юборди. Шунда бизникига меҳмонга келган опам ниманидир сезгандек уни рақсга тортди. Олдинига уялиб, қизариб турди. Кейин эса, хонанданинг барча ҳаракатларини худди ўзидек такрорлаб, унга жўр бўлиб қўшиқ айтди. Бу оддий ҳолдек туюлиши мумкин. Лекин ўшанда мен ўғлимни бошқача қиёфада кўрдим. У қўшиқни бутун борлиғи билан берилиб куйлади. Ўзини худди катта саҳнадагидек тутди. Шунда опам бу ўғлингда нимадир бор, унга янада кўпроқ эътибор бер, деб тайинлади.

Эндигина мактабга борган бола санъатни қаердан ҳам билсин? Шунчаки, ҳамма қатори санъаткорларга ҳавас билан қараяпти, деб ўйлаб юрдим. Бир куни у мендан Наврўзбек Собировнинг олдига олиб боришимни илтимос қилди. Унинг ишонч билан бундай деганидан бир томондан хурсанд бўлсам, бир томондан, хонанда билан қандай учраштиришни ўйлаб, сал ташвишландим. Жасурбек ўша хонанданинг қўшиқларини яхши кўриши, деярли ҳаммасини ёддан айта олиши ва у билан учрашиб, куйлашни ўрганмоқчи эканлигини айтиб, ҳоли жонимга қўймади. Орадан бироз вақт ўтгач, биз Наврўзбек Собиров билан телефонда гаплашдик ва Тўрткўл шаҳрида бўладиган концертида учрашишга келишдик. Хонанда биз билан концертдан бир соат олдин кўришди. Ўғлимнинг бир хиргойисиданоқ уни саҳнага бошлади. Буни қарангки, ўғлим Наврўзбек Собиров билан бир саҳнада қўшиқ куйлади. Албатта, Жасурбекда ҳали қўшиқ ижро этиш кўникмаси, билим ва тажриба йўқ эди. Ундаги ҳаракатчанликни кўриб, хонанданинг ўғлимга меҳри тушиб қолди ва бирга ижод қилишни таклиф этди. Жасурбекнинг санъатга илк қадами ана шундай ташланган эди.

Муҳими, иштиёқ сўнмасин!

Биламизки, ниҳолнинг ўсиб, улкан дарахтга айланиши учун унга яхши парвариш керак. Биргина эътиборсизлик уни нобуд қилиши мумкин. Бола тарбияси ҳам шундай, назаримда. Айниқса, санъат соҳасига меҳр қўйган бола учун ижодий муҳит яратиб берилиши керак. Шуни ҳис этган ота-она Жасурбекнинг вилоят марказидаги энг кучли санъат мактабига беришди. Бир соатлик йўлда ўқишга қатнашнинг ўзи бўлмасди. Ўғлидаги иштиёқни сўндирмаслик учун Ражапбоевлар оиласи Урганч шаҳрига кўчиб келишди. Жасурбек таҳсилни Урганчдаги 24-санъатга ихтисослаштирилган мактабда давом эттира бошлади.

— Ўғлимизнинг ижод қилиши, санъат билимларини олиши учун қандай шароит керак бўлса, барчасини қўлдан келганча яратиб беришга ҳаракат қиламиз, — дейди Насиба опа. — Чунки у ҳали жуда ёш, қизиққон ва қалби куч-ғайратга тўла. Унга тўғри йўлни кўрсатиш, таълим-тарбия бериш керак. Устозларнинг таълими билан бир қаторда оила аъзоларининг маънавий кўмаги ҳам бола учун жуда зарур.

Ҳозир фақат билим олиши керак!

Қаҳрамонимизнинг оила аъзолари билан суҳбатлашгач, устозининг фикри билан қизиқдик.

— Ўқувчимиз ҳозир шундай ёшдаки, профессионал даражада қўшиқ куйлашдан кўра, кўпроқ назарий билим олиши лозим, — деди Урганчдаги 24-санъатга ихтисослаштирилган мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Манзура Ҳикматова. — Яъни ҳозир биз уни куйлашдан тоиқтириб қўймаслигимиз керак. Акс ҳолда, у овозини йўқотиши ёки зерикиб, безиб қолиши мумкин. Чунки санъат машаққатли меҳнатни талаб этади. Жасурбек ҳали ёш. Мактабимиздаги у каби ёшларнинг билим олиши, мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллашлари учун шароит етарли. Жасурбек билим олиш баробарида имкони борича куйлаяпти, жонкуяр устозлари билан янги-янги қўшиқлар яратиш ва турли тадбирларда қатнашяпти. Миллий чолғу асбобларини чалишни ҳам пухта ўзлаштираяпти. Ундан умидимиз катта!

***

«Келажак юлдузлари—2011» кўрик-танловининг 1-ўрин соҳиби, «Янги авлод—2011» республика болалар ижодиёти фестивали вилоят босқичи ғолиби, вилоятда ўтказиладиган турли байрам ва танловларнинг фаол иштирокчиси Жасурбек Ражапбоев ҳозир устозлари кўмагида «Ўзбекистон» қўшиғи устида ишлаяпти. Ёш ҳаваскор оҳанг ва сўзни ҳис этиш, овоз устида ишлаш каби санъат сирларини пухта эгаллашга интилиш баробарида, гўзал ва элга манзур бўладиган қўшиқлар яратиш орзусида.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

МАҲАЛЛАЛАР МАКТАБГА ЕЛКАДОШ

Фарзандларимизнинг тарбиясида самарали натижаларга эришишда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигининг ҳам алоҳида ўрни бор. Беқиёс таъсир кучига эга ушбу учлик ёшларни миллий ғояга садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялаш йўлида кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб келаётир. Бунга эса, ҳамкорлик доирасида мунтазам ташкиллаштирилаётган турли кўрик-танлов, давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари каби тадбирлар орқали эришилмоқда.

Maktab — oila — mahalla hamkorligi

Мазкур ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 226-умумтаълим мактабида тадбир ташкил этилди. Тадбирда жорий ўқув йилида мактабни битирадиган ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш, ўз қизиқишлари бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Мактабда таълим олаётган 972 нафар ўқувчи туманнинг Махмур, Бобур номидаги ҳамда «Бирлашган», «Асалобод», «Авиасозлар» каби маҳаллаларда истиқомат қилишади. Ушбу маҳаллалар фаоллари ўқувчиларнинг дарсларда фаол иштирок этиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун доимо мактаб ва оилалар билан биргаликда иш юритишади. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг 104 нафар фарзандини бепул дарсликлар тўплами, иссиқ кийимбош билан таъминлаш ҳам маҳаллалар билан узвий ҳамкорлик туфайли амалга оширилмоқда.

— Мактабимизда турли йўналишлардаги 17та тўгарак фаолият кўрсатмоқда, — дейди мактаб директори Наби Ниёзов. — Ўқувчилар қизиқишлари асосида жалб этилган ушбу машғулотларда тажрибали мутахассислар сабоқ беришмоқда. Бундан ташқари, замонавий жиҳозланган кимё, физика, биология, меҳнат синфхоналарида компьютердан унумли фойдаланган ҳолда ташкил этилаётган машғулотлар ўқувчи-ёшларнинг пухта билим олишларига ёрдам бермоқда. Битирувчиларимизни таълимнинг кейинги босқичига жалб этишда оила ва маҳаллалар билан ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда.

Тадбирда ана шу ҳамкорликни янада ривожлантириш, тарғибот ишларини кучайтириш хусусида фикр юритилди. Шунингдек, илм маскани ва маҳалла ишларида фаол иштирок этган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари маҳалла мутасаддилари томонидан рағбатлантирилди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
журналист



Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бунда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанларнинг аҳамияти катта. Жиззах шаҳрида 10-мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Наргиза Ҳамидова таълим жараёнида янгича педагогик услуб ва технологияларни кенг қўллаётгани, ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик билан ёндашуви, интерфаол усуллардан фойдаланиши дарслари самарадорлигини таъминламоқда. Ўқувчилар машғулотлар давомида ўтказиладиган очиқ мулоқот, дидактик ўйинлар орқали чуқур билим олиш билан бирга, эркин фикрлаш, янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ўрганаётир.

Суратда: Наргиза Ҳамидова ўқувчилар билан машғулот пайтида.

Shu kunga qadar joriy o'quv yilida kollejni bitiradigan 310 o'quvchini ishga joylashtirish bo'yicha o'quvchi — ish beruvchi–ta'lim muassasasi o'rtasida uch tomonlama shartnomalar tuzish 91 foizga bajarildi.

ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ ОММАЛАШУВИ

Бугунги кун ўқитувчисидан қандай билим, маҳорат ва тажриба талаб қилинмоқда? Мустақил юртимизнинг баркамол авлодлари таълим-тарбия олаётган улуғ маскан — умумтаълим мактабларини янада обод, кўркам, таълим жараёнини эса мазмунан бой ва самарадор ташкил этиш учун мактаб директорида қандай хислатлар мужассам бўлмоғи даркор?

Бугун юртимизда ўз илмий салоҳияти, юксак маҳорати билан фарзандларимизга чуқур билим бериб келаётган тажрибали ўқитувчиларимиз ҳамда таълим муассасасида бошқарувни намунали йўлга қўйиш орқали соғлом ижодий муҳитни шакллантираётган, ўқитувчи ва ўқувчиларни янада улкан ютуқлар сари руҳлантириб келаётган изланувчан мактаб директорлари ҳам кўплаб топилади.

Халқ таълими тизимидаги мактабларнинг директорлари ҳамда фан ўқитувчилари орасидан ана шундай илғор, ташаббускор, ижодкор, фидойи, компетентли, ишбилармон раҳбар ва педагог ходимларни аниқлаш ва уларнинг ижодий фаоллигини ошириш, ёшларни баркамол шахслар этиб тарбиялаш, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб самаралі натижаларга эришиш борасида тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг *"Йилнинг энг яхши мактаб директори", "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.*

Унга кўра кўрик-танловни

Rasmiy bo'lim

ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби, "Йилнинг энг яхши мактаб директори" ҳамда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловларининг Низоми, ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезони тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, «Йилнинг энг яхши мактаб директори» кўрик-танлови жорий йилда биринчи маротаба ўтказилиши режалаштирилаётган бўлиб, у замонавий мактаб директорининг ижтимоий ва касбий имиджини яратиш, таълим-тарбия самарадорлигини оширишдаги ўзига хос бошқариш технологияларини кашф қилиш, юксак касб маҳоратига эга бўлган, директорлик лавозимининг ҳақиқий эгаларини саралаб олиш ҳамда бу илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кўрик-танловларнинг Республика босқичи 2012 йилнинг апрель-май ойларида ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган жадвал асосида Тошкент шаҳрида ўтказилади. Шундан келиб чиқиб қатор мутасадди ташкилотларга кўрик-танловни юқори савияда ўтиши учун барча шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ вазифалар белгиланди.

Газетанинг 8—9-бетларида "Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўрик-танловининг Низоми, ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезони ҳамда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг Низоми, ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезони билан танишишингиз мумкин.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

бунда барча саъй-ҳаракатлар ўқувчиларнинг тўғри касб-ҳунар танлашига қаратилган

Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабида 2011-2012 ўқув йилининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга жалб қилиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» марафони ўтказилди. Тадбирга халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими ходимлари, пойтахтимиздаги бир нечта касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар вакиллари ва битирувчи-ўқувчиларнинг ота-оналари ташриф буюришди. Тадбир аввалида ўқувчиларга касбий билимларни берувчи стендлар, мактаб ўқувчилари томонидан яратилган ҳар хил амалий санъат намуналари фойедаги ташкил этилган кўргазмада намойиш этилди.

Шундан сўнг дастурда белгиланганидек тадбирнинг асосий қисми бошланди. Мазкур мактаб директори Машхура Шаисаева бугунги тадбир ўқувчиларнинг танлаган касби бўйича чуқур маълумотга эга бўлиши, мазкур йўналишлар бўйича қайси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида таҳсил олиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар олиши, битирувчиларнинг қайси касб-ҳунарни танлаш борасидаги ниятларини янада қатъийлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ўз навбатида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар вакиллари сўзга чиқишди, улар йиғилганларга мазкур таълим муассасаларига қабул қай тарзда амалга оширилиши ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

— Бугун мактаб ўқувчиларини Республика рассомлик коллежида мавжуд

Kasbga yo'naltirish

таълим йўналишлари билан яқиндан таништирдик, — деди мазкур коллежнинг касбий таълим бўйича директор муовини Нурилла Ражабов. — Жараёнда маҳобатли безак санъати ва ҳайкалтарошлик намуналари намойиш этилди. Дастгоҳли рангтасвир, лакли миниатюра рассоми, театр санъати рассоми, кино ва телевидение рассоми, қайта тиклаш рассоми ишлари коллежимиз ўқувчилари томонидан амалда кўрсатиб берилди. Театр либослари санъати, театр грим санъати эса саҳнага олиб чиқилди. Ўқувчиларнинг санъат ва коллежимиз тўғрисида кўплаб саволлар билан мурожаат этишгани ва керакли жавобларга эга бўлишганининг ўзиёқ тадбирнинг самарали ўтаётганининг белгисидир.

Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей фаолиятидан ҳикоя қилувчи видеоролик ҳамда бошқа касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳақида маълумот берувчи тарқатма материаллар ҳам битирувчи-ўқувчилар эътиборидан четда қолмади.

— Бугунги тадбирда ҳар бир инсон ўзига ёққан касбни эгалламоғи лозимлиги яна бир бор уқтирилди, — дейди 9-синф ўқувчиси Бахтиёр Халилов. — Аслида касбларнинг ҳеч бири ёмон эмас, аммо ўз касбини севган инсонгина шу соҳа бўйича мукаммал билим олиб, етук мутахассис бўлиб етиша олади. Тадбир давомида авиация соҳасида таълим олиш истагим янада мустаҳкамланди.

Қуйи синф ўқувчилари ҳам тадбир доирасига қамраб олиниб, очиқ дарслар ташкил этилди, ўзи орзу қилаётган касби, қизиққан ҳунари бўйича иншолар ёздирилди, муҳими, уларнинг касблар тўғрисида қай даражада билимга эгаликлари аниқланди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида олтита йўналиш — енгил саноат, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, молия, иқтисодиёт, информатика ва ахборот технологиялари бўйича ёшларга таълим-тарбия берилади.

КОЛЛЕЖ ВА КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

Айни пайтда 955 нафар ўқувчи таълим олаётган илм масканида ўз касблари бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Етарли ўқув ва амалиёт жиҳозлари билан таъминланган хоналар, соҳага оид ўқув қўлланмалар ва интернет тармоғига уланган компьютер технологияларига эга ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

Мазкур касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг назарий олган билимларини амалиётда қўллаб, иш фаолияти бўйича кўникмага эга бўлиб боришлари учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бунда таълим муассасасига бириктирилган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган махсус ўқув хоналарида ўтказилаётган ўқув амалиётлари малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Коллежнинг менежмент, иқтисод йўналишларида таълим олаётган ўқувчилар Самарқанд шаҳар ғазначилик бўлинмасида, «Сино» очиқ акциядорлик жамиятида, енгил саноат йўналишида таълим олаётган ўқувчилар «8 март» масъулияти чекланган жамиятида, бухгалтерия ҳисоби бўйича таҳсил олувчи ўқувчилар «Савдогарбанк» Ўзбекистон-Германия очиқ акциядорлик тижорат банки Самарқанд филиалида, информатика ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўқийдиганлар «SamAntepgilam» қўшма корхонасида махсус амалиёт ўтамоқда. Мазкур корхоналарда ўқув хоналари ташкил этилган бўлиб, бириктирилган масъул ходим ҳафтада бир марта ўқув амалиёт дарсларини ўтади. Амалиёт давомида машғулотларда фаол иштирок этган коллеж битирувчилари ўша корхонанинг ўзида ишга қабул қилинади.

Jarayon

— Ўқувчиларимиз коллежни битирганлариданоқ халқ хўжалигининг турли соҳаларида иш бошлаш имконига эга бўлишмоқда, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Шухрат Толибов. — Биргина 2010-2011 ўқув йили кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, коллежни битирган ўқувчиларнинг 96 фоизи иш билан таъминланган. Бу борада жорий йилда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш мақсадида қатор ишлар олиб борилмоқда. Шу кунга қадар жорий ўқув йилида коллежни битирадиган 310 ўқувчини ишга жойлаштириш бўйича ўқувчи — иш берувчи–таълим муассасаси ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш 91 фоизга бажарилди. Мазкур ҳолатларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир иш берувчи корхона-ташкилотлардан кафолат хатлари олинди.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

АЖДОДЛАР ЁДИ — МАНГУ

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўзбек адабиётининг йирик намояндалари, улуғ шоирлар — Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Аждодлар ёди — мангу» мавзуида очиқ мулоқот тарзидаги тадбир бўлиб ўтди. Унда санъатшунос олим, ёзувчи Тилаб Маҳмудов, филология фанлари доктори, профессор Маҳкам Маҳмудов, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Боқижон Тўхлиев ва институтнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Тадбирни санъатшунос олим Тилаб Маҳмудов кириш сўзи билан очиб, буюк шоирлар — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек адабиёти ва сўз санъатида тутган ўрни, улар яратган нодир ва ноёб асарларнинг мазмун-моҳияти, бугунги тезкор замонда улар қолдирган мероснинг нечоғлик долзарблиги ҳақида сўз юритди. Шунингдек, тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар Ҳазрат Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг асарлари улкан фалсафий, ижтимоий-ҳаётий мазмун касб этиши билан бирга, энг аввало, инсонийлик ҳис-туйғуларини, қалб меҳри ва муҳаббатини сўз санъаткорлигида ифода этганлиги билан биз каби китобхонларнинг қалбига яқин ҳамда мустаҳкам тарбия мактаби бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

Нилуфар ШАРАПОВА,
институт талабаси

Республикамиз умумтаълим мактабларида жорий йилнинг 20 январидан 20 февралигача "Буюк аждодларни ёд этиб..." мавзуида адабиёт байрамлари ўтказилмоқда. Унда икки буюк сиймо — Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, фаолияти, ижодий меросининг аҳамияти ёшларга атрофлича тушунтирилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида ўзбек ва хорижий тилларда ўтказилган "Навоий ва Бобур ижодини ўрганамиз" мавзуидаги ижодий ишлар кўрик-танлови орқали ёш авлод қалбида алломалар меросига нисбатан ҳурмат туйғуси шакллантирилиб, уларнинг билими юксалтирилмоқда.

ЎҚУВЧИЛАР ҒАЗАЛХОНЛИГИ

Таълим муассасамизда ҳам ана шундай тадбирлардан бири "Алишер Навоий — шоирларнинг султони" мавзусида бўлиб ўтди.

Унда халқ таълими вазирлиги мутахассислари, методистлар ҳамда туман мактабларининг фан ўқитувчилари иштирок этди.

Ижодий кечада ёшларга буюк аждодларимизнинг бой меросини ўргатиш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш маънавий-маърифий тадбирларнинг муҳим йўналиши эканлиги алоҳида таъкидланди.

Кечада ўқувчилар томонидан тайёрланган бадиий-мусиқий дастур намойиш этилди, Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди.

Шарифа СОЛИҲХЎЖАЕВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси

"Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактаблар директорлари ўртасида "Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

I.Умумий қоидалар

1. Кўрик-танлов "Маҳоратли бошқарув — таълим самарадорлигини ошириш омили" шиори асосида ташкил этилади.

2. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш ихтиёрий, ошкоралик, холислик, тенглик тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

3. Кўрик-танлов шартлари, унинг ўтказилиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги ахборотлар вазирликнинг www.uzedu.uz расмий сайтидаги "Замонавий мактаб директори" рукнида ҳамда "Таълим менежменти" журнали саҳифаларида бериб борилади.

Кўрик-танловнинг мақсади:

4. Мактаб директорлари орасидан илғор, ташаббускор, ижодкор, масъулиятли, замонавий директор талабларига жавоб берадиган, компетентли ва жамоани мақсад сари интилишга йўллай оладиган директорларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятини кенг жамоага тарғибот этиш.

Кўрик-танловнинг вазифаси:

5. Мактаб директорларининг ижодий қобилиятини, ижодкорлигини, ишбилармонлигини, ташаббускорлигини ривожлантириш, касбий маҳоратини ўрёбга чиқишига кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

аниқланган илғор, замонавий тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, уларни келажак мактабини яратишга йўналтириш;

мактаб директорлари орасидан юксак касб маҳоратига, бошқарув тажрибасига эга мактаб раҳбарларини саралаб олиш ҳамда маълумотлар банкини шакллантириш;

мактаб директорининг ижтимоий ва касбий ижобий имиджини шакллантириш;

намунали ва илғор иш тажрибаларни "Таълим менежменти" илмий-методик журналида ёритиш;

мактабларда таълим-тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган бошқариш технологиясини аниқлаш;

раҳбарнинг юксак маънавияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда унинг ташаббускор ва ижодкорлигини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

II. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

6. Кўрик-танловда камида уч йил директорлик иш тажрибасига эга, меҳнат жамоаси ўртасида обрўли, мактабда соғлом муҳитни ярата олган, кейинги 3-5 йил давомида педагогик жамоаси муайян натижаларга эришган, ўз касбига фидойи, садоқатли, компетентли, ижодкор, ташаббускор мактаб директорлари иштирок этиши мумкин.

7. Кўрик-танловда иштирок этиш учун ҳар йили 10 мартгача бўлган муддатда Республика ташкилий қўмитасига "Келажак мактаби" мавзусида ўзининг концепция материалларини (концепция ҳажми камида 10 бетдан иборат, Times New Roman 14 шрифтда бўлиши шарт) ҳамда концепция муаллифи ўзи ҳақида қўйидаги хужжатлар: объективка, диплом ва паспорт нусхаси, рангли фотосуратларнинг электрон варианти директор2012@inbox.uz электрон манзилига юбориши керак.

Ҳар бир иштирокчи ўзи раҳбарлик қилаётган умумий ўрта таълим мактабида таълим-тарбияни ривожлантиришга оид йўналишга қараб "Келажак мактаби" мавзусини танлайди ва қўйидаги талаблар асосида ўз концепциясини баён этади.

Умумий ўрта таълим мактабининг аҳволини ташхис қилиш ва уни ёритиш (мактабнинг ҳозирги кундаги ҳолати, таълим-тарбияга оид амалга оширилаётган ишлар, ўқув сифати ва уни яхшилаш йўллари, баркамол шахси тарбиялаш, кадрлар, уларнинг маҳоратини оширишга оид ишлар ёритилади).

Келажак мактаби лойиҳасини яратишдан мақсад (аниқланган муаммоларни ҳал этилиши, нима қилмоқ керак?, қачон?, қаерда? каби саволлар ёритилиши лозим).

Резюме (лойиҳанинг қисқача мазмунини ифодалаш), (бунда реал, муайян, тушунарли, аниқ, қисқа, эриша оладиган масалалар ёритилиши лозим).

Лойиҳанинг вазифаси (вазифани ёритишда унинг ўлчамга, ҳудудга эгалиги, аниқ реал муддатлари белгиланган ҳолда ёзилиши лозим).

Лойиҳани амалга ошириш йўллари, усуллари (лойиҳанинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, нима иш қилиниши, ишни ким амалга ошириши, қандай ресурслардан фойдаланиши аниқ ифодаланиши лозим).

Лойиҳани амалга ошириш босқичлари (белгиланган вазифаларни босқичларга тақсимлаган ҳолда аниқ ифодалаш лозим).

Лойиҳадан кутилаётган натижа (иштирокчи томонидан берилган лойиҳа амалга оширилса, қандай натижага эришилади. Лойиҳадан кутилаётган натижага эришишни аниқ ифодаланиши лозим).

III. Кўрик-танловнинг Республика босқичини ўтказиш тартиби

8. Танлов, эксперт ва апелляция комиссиялари, ҳакамлар ҳайъати таркиби ҳамда кўрик-танловнинг Республика босқичи иштирокчилари рўйхати ташкилий қўмитанинг қарори билан тасдиқланади.

Танлов комиссияси

9. Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилган концепция материаллари 5-7 нафар олимлар, малакали ўқитувчилар ва масъул ходимлардан иборат Танлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, натижасига кўра юқори кўрсаткичларга эга бўлган директорлар кўрик-танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун тавсия этилади.

10. Танлов комиссияси қўйидаги баҳолаш мезонлари асосида иштирокчиларнинг яратган концепциясини баҳолайди:

ўзи фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим мактабининг фаолиятини тўғри, асосли ва муаммоларни кўрган ҳолда ёрита олиши;

муаммо ёки эҳтиёжни аниқлай олганлиги ва уни ҳал қилиш учун лойиҳада таклиф аниқ ишлаб чиқилганлиги;

лойиҳада мақсаднинг аниқ, тушунарли ва пухта қўйилганлиги;

лойиҳада амалга оширилиши мумкин бўлган вазифаларнинг белгиланганлиги;

лойиҳани бажариш босқичлари ва амалга ошириша оид белгиланган ресурслар, белгиланган вақтларнинг реаллиги;

қандай вазиятда қачон, қаерда, қандай ўзгаришларга олиб келиши, кўрсаткич қанчага ошади, кўрсатилган вазифалар қандай ўзгаришларга олиб келишининг ифодаланиши.

Эксперт комиссияси

11. 3-5 нафардан иборат эксперт комиссияси республика босқичига тавсия этилган голиб мактаб директори ишлайдиган муассаса фаолиятини жойида ўрганади, хужжатларни таҳлил қилади ва баҳолайди.

12. Эксперт комиссияси томонидан мактаб фаолиятини жойида ўрганиш боскичи жами 50 балл билан баҳоланади. Бунда мактаб ўқувчиларининг "Билимлар беллашуви"даги иштироки, эгаллаган ўрни, мактабнинг ҳудуди, бинонинг таъмирланиш ҳолати, жиҳозларнинг сақланиши, бюджетдан ташқари маблағ топиши, таълим-тарбия жараёнининг ташкил этиш аҳволи каби жиҳатларга эътибор берилади.

13. Танлов комиссиясининг ижобий хулосасига кўра кўрик-танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ва уларнинг иш фаолиятини жойида ўрганиш натижаларига кўра ғолиб деб топилган директорлар кўрик-танловнинг кейинги шартларида иштирок этади.

14. Кўрик-танловнинг Республика босқичи 3 турда ўтказилади.

1-тур. Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш - 20 балл.

2-тур. Педагогик кенгашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартибини белгилаш - 15 балл.

3-тур. Муаммоли вазият (педагогик ёки психологик) - 15 балл.

Ҳакамлар ҳайъати

15. Кўрик-танловнинг Республика босқичини ўтказиш учун 5-7 нафар олимлар, таълим муассасаси раҳбарлари, методистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати таркиби тузилади.

16. Ҳакамлар ҳайъати тасдиқланган баҳолаш мезони асосида иштирокчиларни баҳолайди ва олган баҳоларини умумлаштирган ҳолда кўрик-танлов ғолибларини аниқлаб беради.

17. Кўрик-танловнинг Республика босқичидаги ҳар бир тур топшириқларининг материаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази томонидан малакали мутахассислар жалб қилиниб, кўп вариантлилик асосида махфийлиги таъминланган ҳолда тайёрланади.

Апелляция комиссияси

18. Кўрик-танлов иштирокчилари томонидан бидирилган ҳар қандай оғзаки ёки ёзма ариза ва эътирозни апелляция комиссияси кўриб чиқиш ҳамда хулосаларни расмийлаштиради.

IV. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

19. Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолибларига Халқ таълими вазирлигининг "Йилнинг энг яхши мактаб директори" дипломи ва 1 000 000 (бир миллион сўм) миқдорида пул мукофоти берилади.

20. Республика босқичида иштирок этган бошқа мактаблар директорларининг иш тажрибалари Республика, вилоят миқёсида оммалаштирилади, улар иштирокида семинарлар ташкил этилади.

21. Кўрик-танловнинг ғолиблари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

22. Кўрик-танловнинг Республика босқичида қатнашган мактаб директорлари 5 йилдан сўнг танловда қайтадан иштирок этиши мумкин.

Кўрик-танловнинг баҳолаш мезонлари

1-тур. Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш.

Иштирокчи томонидан бир соатлик дарс жараёни кузатилади ва таҳлил қилинади ҳамда жами 20 балл билан баҳоланади.

Иштирокчилар бир вақтда умумий ўрта таълим мактабида 1 соат дарс кузатадилар ва кузатган дарсини ҳакамлар ҳайъати аъзоларига дарс ўтган ўқитувчилар иштирокида таҳлил қилиб берадилар. Дарс таҳлили учун ҳар бир иштирокчига 5 дақиқа вақт ажратилади.

Дарс таҳлили қуйидагича баҳоланади:

Дарсни кузатиш мақсадининг белгиланганлиги ва кузатиш жараёни мақсадга йўналтирилганлигига — 2 балл.

Дарсни ташкил этиш боскичининг таҳлил қилинишига — 2 балл.

Янги мавзуни ўқувчиларга тушунтириш жараёни таҳлилига — 4 балл.

Дарс мазмунини ва ўтиш методларини таҳлил қилишга — 4 балл.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилишни таҳлил қилишга — 2 балл.

Ўқитувчининг дарсда ўқувчиларга бўлган муносабатини таҳлил қилишга — 2 балл.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш ва ўтилган мавзуларни сўраш жараёнини таҳлил қилишга — 2 балл.

Ўқувчилар билимини баҳолаш ва уй вазифасини бериш жараёнини таҳлил қилишга — 2 балл.

Дарсни таҳлил қилиш жараёнида фикрнинг аниқлиги, педагогик ва психологик томонидан асосланганлиги, тушунарлилиги ҳам ҳакамлар томонидан эътиборга олинади.

2-тур. Педагогик кенгашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартибини белгилаш.

Мактаб директори ўз лавозим вазифасига кўра педагогик кенгаш йиғилишларининг раиси ҳисобланиб, уни ташкил этиш учун тайёргарлик кўради ва ўтказади. Педагогик кенгашнинг кун тартиби мавзулари қўрьа ташлаш йўли билан аниқланади. Иштирокчи мавзу асосида педагогик кенгашга тайёргарлиги, ўтказиш сценарийси ҳамда кенгаш баёнини компьютерда ёзади, принтердан чиқаради ва белгиланган 3 соат ичида топширади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан педагогик кенгаш баёнлари текширилиб жами 15 балл билан баҳоланади.

Баҳолашда қуйидагиларга эътибор берилади:

Педагогик кенгаш кун тартибининг тўғри режалаштирилганлиги, белгиланган мавзуларнинг таълим-тарбия мазмунига йўналтирилганлиги — 2 балл.

Педагогик кенгашга тайёргарлик кўриш ишларининг тўғри ва тизимли баён этилганлиги — 3 балл.

Педагогик кенгашни ўтказиш технологиясининг тўғри, унумли, самарали бериши ва ўтиш ҳамда ҳаётий ва амалий аҳамиятга эгалиги — 3 балл.

Педагогик кенгашга ҳамма ўзини ва ўзининг ҳаётий ва амалий аҳамиятга эгалиги — 3 балл.

Педагогик кенгашда қабул қилинган қарорнинг ҳамма учун тушунарлилиги ва бажаришга йўналтирилганлиги — 2 балл.

Педагогик кенгаш баёнининг тўғри расмийлаштирилганлиги — 2 балл.

Иштирокчининг саводхонлиги — 2 балл.

3-тур. Муаммоли вазият (педагогик ёки психологик). Жами 15 балл билан баҳоланади.

Муаммоли вазият бўйича тайёрланган 2 та саволдан иборат битта билетга (муаммоли вазиятни ҳаракатли, саҳна кўринишли, мимикали ҳолатда намойиш этади) иштирокчи оғзаки жавоб беради. Иштирокчи столдаги билетлардан бирини танлаб олиб, оғзаки ҳимоя қилади. Бунинг учун ҳар бир иштирокчига 5 дақиқа вақт ажратилади.

Баҳолашда қуйидагиларга эътибор берилади:

Муаммоли вазиятни тўлиқ, тўғри ифодалай олса, асосли далиллар келтирса — 15 балл.

Муаммоли вазиятни тўғри тушуниб ифодаласа, лекин асослай олмаса — 12—10 балл.

Муаммоли вазиятнинг биттасига тўғри ва асосли жавоб берса — 10—8 балл.

Муаммоли вазиятнинг биттасига тўғри жавоб берса, лекин асослай олмаса — 8—6 балл.

Вазиятни умумий гаплар билан ифодаласа — 6—5 балл.

Умумий 100 балл. Энг кўп балл тўпланган иштирокчи кўрик-танловнинг голиби ҳисобланади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ўртасида ҳар бир фан йўналишида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Кўрик-танловнинг асосий мақсади ва вазифалари:

Умумтаълим мактабларининг педагоглари орасидан фанлар бўйича илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш;

улардаги ижодий қобилиятларни, касбий маҳоратининг рўёбга чиқишига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш;

аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, уларнинг ўз методик мактабини яратишга йўналтириш;

умумтаълим мактабларида ҳар бир фандан дарс бераётган ўқитувчилар орасидан юксак касб маҳоратига эга бўлган, ўз [illegible]нинг мутахассислигининг ҳақиқ[illegible] эгаларини [illegible]лаб олиш;

таълим-тарбияда самара берадиган мукобил методларни ҳамда технологияларни аниқлаш;

педагоглларнинг ижодий фаоллигини ошириш;

ўқитувчи-устознинг юксак маънавияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда унинг ташаббускор ва ижодкорлигини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

II. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

2. Кўрик-танлов умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ўртасида фанлар кесимида ўтказилади.

3. Кўрик-танлов 3 босқичда ўтказилади:

1-босқич — туман (шаҳар) бўйича (ҳар бир мактабдан белгиланган малака тоифасидаги, фанлар кесимида 1 нафардан ўқитувчи 1-босқичда иштирок этади);

2-боскич — вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида;

3-боскич — Республика [illegible]ича.

4. Кўрик-танловнинг биринчи (туман) боскичида олий маълумотли камида уч йил педагогик иш тажрибасига эга бўлган олий, биринчи, иккинчи тоифали ўқитувчилар иштирок этадилар. Навбатдаги боскичларда фақат 1-ўринни эгаллаб, ғолиб бўлганлар қатнашади.

Ғолиблар (1, 2, 3-ўрин) 76-100 балл тўпланган ўқитувчилар орасидан аниқланади.

5. Вилоят, Республика тасарруфидаги мактабларнинг ўқитувчилари туман (шаҳар) боскичида қатнашмасдан тўғридан-тўғри жойлашган худудида 2-боскичда иштирок этадилар.

6. Кўрик-танловнинг биринчи, иккинчи ва учинчи боскичларида ғолиблар фанлар бўйича алохида-алохида аниқланади.

7. Кўрик-танловни ўтказиш бўйича бутун тадбирлар комплексини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ўз буйруқлари билан ташкилий қўмиталар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмаларни ташкил этадилар.

8. Ташкилий қўмиталар кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайдилар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари таркибини шакллантирадилар ва тасдиқлайдилар, синов топшириқларини тайёрлашни ташкил этадилар.

9. Кўрик-танловнинг барча боскичларида ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзоларининг якин қариндошлари ёки ишлайдиган мактаби (тумани)дан ўқитувчилар иштирок этаётган бўлса, ушбу шахслар ташкилий қўмита қарори асосида ташкилий қўмита, Ҳакамлар ҳайъати ёки эксперт аъзолари таркибидан чиқарилади.

10. Кўрик-танловнинг ўтказилиш жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилмаган ўқитувчилар ҳакамлар ҳайъати қарори билан танловдан четлаштирилади. Бу ҳақда тузилган далолатнома ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

11. Кўрик-танловнинг Республика боскичида қатнашган ўқитувчилар 3 йилдан сўнг танловда қайтадан иштирок этиши мумкин.

III. Кўрик-танловнинг биринчи боскичини ўтказиш тартиби

12. Биринчи (туман) боскичини ўтказиш масъулияти халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирлари зиммасига юкланади.

13. Биринчи боскич иштирокчилари учун топшириқлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими ташкилий қўмитаси томонидан тайёрланади.

14. Кўрик-танловнинг биринчи боскичида ҳар бир мактабдан (метод бирлашма хулосаси асосидаги педагогик кенгаш қарори билан) белгиланган фанлардан бир нафардан ўқитувчи иштирок этиши мумкин.

15. Кўрик-танловнинг туман боскичига номзодларнинг қуйидаги хужжатлари тақдим этилади:

таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори;

ўқитувчининг фаолияти ҳақида маълумот;

иштирокчининг аризаси.

16. Кўрик-танловнинг туман боскичида ҳар бир фандан 1, 2, 3-ўрин эгалари аниқланади, натижалари Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими кенгашида муҳокама қилинади ва ўтказилган фанлардан 1-ўринни эгаллаган ғолиблларнинг набатдаги (вилоят) боскичда қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

Тумандан ялпи буюртма, ҳакамлар ҳайъати қарори билан тасдиқланган, ҳар бир фандан 1-ўринни эгаллаган ғолиблар хужжатлари ижодий ишлари билан бирга вилоят ташкилий қўмитасига топширилади.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

IV. Кўрик-танловнинг иккинчи боскичини ўтказиш тартиби

17. Иккинчи (вилоят) боскичини ўтказиш масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошликлари зиммасига юкланади.

18. Кўрик-танловнинг ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмитаси таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаси буйруғи билан, фанлар кесимида ҳакамлар ҳайъати, эксперт комиссияси таркиби ташкилий қўмитанинг қарорига асосан тасдиқланади.

19. Иккинчи боскичда ҳар бир фандан 1, 2, 3-ўрин эгалари аниқланади. Кўрик-танлов натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳайъат мажлисида муҳокама қилинади. Ўтказилган фанлардан 1-ўринни эгаллаган ғолиблар тўғрисидаги қарор, тавсия этувчи буйруқ ва бошқа хужжатлар билан бирга Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Барча хужжатлар ва материалларнинг электрон варианти ҳам топширилиши лозим.

V. Кўрик-танловнинг учинчи боскичини ўтказиш тартиби

20. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари кўрик-танловнинг иккинчи боскичида фанлар бўйича ғолиб бўлган ўқитувчиларни учинчи (Республика) боскичига тайёрлаш мақсадида барча ташкилий чора-тадбирларни кўради.

21. Кўрик-танловнинг иккинчи боскичида фанлар бўйича 1-ўринни эгаллаган ўқитувчилар учинчи боскичда қатнашадилар.

22. Кўрик-танловнинг учинчи боскичидаги топшириқларнинг материаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази томонидан малакали мутахассислар жалб қилиниб, кўп вариантлик асосида махфийлиги таъминланган ҳолда тайёрланади.

23. Кўрик-танловнинг учинчи боскичида Республика бўйича "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" аниқланади. Кўрик-танловнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан эришган натижаларига кўра номинациялар белгиланади.

VI. Ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси

24. Кўрик-танловнинг боскичларини ўтказиш учун ҳар бир фандан 7-11 нафар олим, илғор ўқитувчи, методистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати комиссияси таркиби тузилади ҳамда ташкилий қўмиталар томонидан тасдиқланади.

25. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг амалий машғулотларини ва саводхонлигини баҳолаш мезони асосида олган баҳоларини умумлаштирган ҳолда кўрик-танлов ғолибларини аниқлаб берадилар.

VII. Апелляция комиссияси

26. Кўрик-танлов иштирокчилари томонидан билдирилган ҳар қандай оғзаки ёки ёзма ариза ва эътирозни жойида, шу куннинг ўзида апелляция комиссияси кўриб чиқади ҳамда хулосаларни расмийлаштиради.

VIII. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

27. Биринчи боскичда ҳар бир фандан 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқитувчиларга ҳудудий касаба уюшмаси билан биргаликда сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилади, ҳомийлари жалб этган ҳолда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади.

28. Иккинчи боскичда ҳар бир фандан 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқитувчилар бир ойлик маоши миқдорида моддий рағбатлантирилади, вилоят халқ таълими бошқармасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади.

29. Республика боскичида ҳар бир фандан 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ғолиблар ва иштирокчиларга Халқ таълими вазирлигининг "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" дипломи ва мос равишда энг кам иш ҳақининг 10, 5, 3 баравари миқдорида пул мукофоти берилади.

30. Республика боскичида иштирок этган бошқа ўқитувчиларнинг иш тажрибалари Республика, вилоят миқёсида оммалаштирилади, дарс ишланмалари тўплам сифатида чоп этилади, ўқитувчилар иштирокида семинарлар ташкил этилади.

31. Кўрик-танловнинг ғолиблари туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаси томонидан давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

32. Кўрик-танлов шартлари, унинг ўтказилиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги ахборотлар вазирликнинг www.uzedu.uz расмий сайтида бериб борилади.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезони

Кўрик-танловда камида уч йил педагогик иш тажрибасига эга олий, биринчи, иккинчи тоифали олий маълумотли ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин.

Уч йил давомида ўқувчилари Давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш самарадорлиги 76-100 фоиз кўрсаткич берган, ўқувчилари "Билимлар белашуви"да туман (шаҳар), вилоят, Республика боскичида ғолибликни қўлга киритган, "Устоз-шогирд" тизимининг устозлари ҳамда иш тажрибасидаги янгиликлари тақдим этилган ижодий ишлари ўрганилиб, кўрик-танловда иштирок этишга тавсия этилади.

Кўрик-танловни ўтказиш боскичлари:

1-боскич туман (шаҳар) миқёсида: — февраль;

2-боскич вилоят миқёсида: — март;

3-боскич Республика миқёсида: — апрель.

Кўрик-танловнинг туман, вилоят, Республика боскичи 4 турда ўтказилади.

1-тур. Ёзма иш учун 2 соат вақт ажратилади. Жами **15 балл** билан баҳоланади.

Филология, ижтимоий, хорижий тиллар, бошланғич таълим йўналишдаги фанлар бўйича иштирокчи фан ютуқлари, ўқитиш методлари, фаннинг ўқитиш самарадорлигини ошириш, янги педагогик технологиялардан ижодий ёндашган ҳолда иш тажрибасида фойдаланиш каби йўналишларда берилган мавзуда ижодий иш ёзади.

Математика (3та масала + 2та мисол), физика, кимё, биология фанидан (2та лаборатория машғулоти ва 3та масала), география (контурли карта билан ишлаш — 1, амалий иш — 3, худудга қиёсий таҳлил), иқтисодий билим асослари (3та вазиятли масала, 2та тайянч атамалар тавсифлаш), информатика (2 масалага алгоритм ва дастур тузиш), мусиқа (композиторлар ижоди, дастурда берилган қўшиқнинг сўзини ёзиш, мусиқани шарҳлаш), жисмоний тарбия (жисмоний машқларни, ўйинларни шарҳлаш), меҳнат таълими (берилган мавзуга технологик карита тузиш, материалларни тавсифлаш).

Филология, ижтимоий, хорижий тиллар, бошланғич таълим йўналишдаги фанлар бўйича иштирокчилар берилган мавзуда матн (иншо) ёзадилар, иштирокчилар ёзма нутқ кобилияти, мустақил фикрлаш ҳамда саводхонлик кобилиятларини намоён қилишади.

Мавзу тўғри, тўлиқ ва батафсил ёритилиши — 2 балл, фикрни баён қилишда ижодий ёндашиши — 1 балл, режа ва бандларнинг мавзуга мослиги — 2 балл, фикрлар такрорланмасдан, ихчиллиқнинг таъминланиши — 2 балл, мавзуни ҳозирги давр билан боғлай олиши — 2 балл, мавзуни ёритишда адабий материалларидан ўринли фойдаланиши — 1 балл, сўз бойлиги, ифода қурилиши ва услубининг адабий тил талабларига мослиги — 1 балл, иш хулосасининг асосий фикр билан боғланиши — 2 балл, матнинг хуснихат билан хатосиз ёзилиши — 2 балл.

Қолган фанлардан берилган мавзуни тўғри ва тўлиқ бажарилиши — 5 балл, изохлаб бериши — 3 балл, матнинг хуснихат билан хатосиз ёзилиши — 2 балл, назарий материаллардан ўринли фойдаланиши — 3 балл, ишни хулосалаши ва ўз фикрини ифодалаши — 2 балл.

2-тур. Таълим сифатини оширишга оид "Айлана стол атрофида" суҳбат ўтказиш. Жами **15 балл** билан баҳоланади.

Иштирокчиларга таълим сифатини оширишга оид амалга оширилаётган ишлар ва белгиланган вазифалар ҳақида саволлар берилади.

Иштирокчиларнинг жавоби, дунёқараши, фикр-мулоҳазалари ҳакамлар ҳайъати томонидан қайд этиб борилади ва қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

— таълим тараққиётининг замонавий тенденцияларини билиши ва тушунтира олиши — 3 балл;

— келтирилган мисолларнинг конструктивлиги, фикрлашнинг оригиналлиги — 3 балл;

— Республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ёритиш — 3 балл;

— ўз фикрини назарий намоён қила олиш малакаси — 3 балл;

— таълим сифатини оширишга оид таклифларнинг асослилиги ва амалиётга қўллашда натижавийлиги — 3 балл.

3-тур. Ўз фани бўйича белгиланган мавзу юасидан дарсга тайёргарлик кўриш. Бу жараёнда иштирокчи компьютер техникасидан ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиши ҳакамлар ҳайъати томонидан кузатилади. Иштирокчи тайёргарлик жараёнида берилган мавзу юасидан бир соатлик дарс ишланмасини ҳакамлар ҳайъатига топширади. Дарсга тайёргарлик жараёни учун 3 соат вақт ажратилади.

Иштирокчи томонидан ёзилган бир соатлик дарс ишланмаси қуйидаги мезон асосида **25 балл** билан баҳоланади:

— дарс мавзуси асосида дарс типининг тўғри танланиши ва дарс боскичларининг тўғри белгиланилиши — 2 балл;

— дарс мавзуси асосида мақсаднинг тўғри қўйилиши ва ўқувчиларнинг бир соат давомида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларининг белгиланилиши — 2 балл;

— дарс жараёнида фойдаланадиган кўргазмали воситаларнинг тўғри танланганлиги ва дарс мазмунида ифодаланганлиги — 2 балл;

— ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида танланган усулларда барча ўқувчиларнинг иштироки таъминланиши кўзда тутилганлиги — 2 балл;

— ўқувчиларнинг олдинги дарсдаги мавзуларни табақалаштирган ҳолда сўралишининг режалаштирилганлиги — 2 балл;

— вақтнинг тўғри тақсимланганлиги — 1 балл;

— янги мавзуни баён қилишнинг дарс ишланмасида тўлиқ ёритилиши ва асосий мазмунинг берилиши — 3 балл;

— ўқувчиларнинг баҳосини ҳамда уйга бериладиган вазифани тўғри тахлил қилиб бериш усулларининг аниқ белгиланганлиги — 1 балл;

— дарсга тайёргарлик жараёнида интернетдан мавлумотларни олиб фойдаланиши — 3 балл;

— дарс ишланмасини Word дастурида тайёрлаши — 2 балл;

— дарс жараёнида фойдаланиладиган кўргазмали воситани Power point дастурида тайёрлаб тақдим этиши — 5 балл.

4-тур. Намунавий дарс жами **45 балл** билан баҳоланади.

Кўрик-танлов иштирокчиси нотаниш мактаблардан бирида нотаниш синфда нотаниш мавзу бўйича дарс ўтади *(дарс мавзуси ва синфи бир кун олдин қўрьа ташлаш йўли билан аниқланади).*

Дарс ўтиш учун 45 дақиқа вақт ажратилади. Ўқувчиларнинг иштирокчи томонидан берилган мавзуни ўзлаштириш даражаси она тили ва адабиёти, рус тили, қорақалпоқ тили, бошланғич таълим, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари, миллий истиклол ғояси, хорижий тиллар (инглиз, немис, француз), кимё, биология, физика, география фанлари бўйича тест топшириқлари, жисмоний тарбия, информатика, мусиқа, меҳнат таълими, тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан ўқувчиларнинг амалий бажарган иш натижалари ҳамда математика фанидан мисол ва масала ечиш орқали аниқланади. Тест ва амалий топшириқларини бажариш учун 15 дақиқа вақт ажратилади. Бажарилган тест ва амалий иш натижалари **10 балл,** дарс **35 балл, жами 45 балл** билан баҳоланади.

Ўқитувчининг дарс ўтиш жараёни қуйидагича баҳоланади:

— дарсга тайёргарлик кўриш боскичлари — 2 балл;

— ўқувчиларга янги мавзуни тушунтириши ва қўлланиладиган методлар — 8 балл;

— ўтилган мавзулар бўйича амалга ошириладиган ишлари — 5 балл;

— янги мавзуни мустаҳкамлаш — 4 балл;

— ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш — 7 балл;

— дарс жараёнида фойдаланиладиган кўргазмали воситалар ва уларни қўллаш методлари — 4 балл;

— дарс жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиши — 3 балл;

— дарсни якунлаши — 2 балл.

Умумий жами – 100 балл. Энг кўп балл тўпланган иштирокчи кўрик-танловнинг голиби ҳисобланади.

Кўрик-танлов ўтказилиши белгиланган фанлар рўйхати (фанлар кесимида ҳар 2 йилда бир марта ўтказилади)

Биринчи йил	Иккинчи йил
Она тили ва адабиёти	Қорақалпоқ тили ва адабиёти
Ўзбек тили	Рус тили (ўзбек ва бошқа тилларда)
Инглиз тили	Рус тили ва адабиёти
Немис тили	Физика
Француз тили	Кимё
Биология	Математика
География	Информатика
Тасвирий санъат ва чизмачилик	Тарих
Давлат ва ҳуқуқ асослари	Миллий истиклол ғояси
Иқтисодий билим асослари	Йил психологи
Бошланғич таълим	Йил методисти
Жисмоний тарбия	
Мусиқа	
Меҳнат таълими	

Maktab rahbarlari har bir ishtirokchining ishini sinchiklab ko'zdan kechirishadi, bitta sinfni ikkinchisi bilan solishtirishadi va shunda ularning eng ilg'orlari ko'zga tashlanib qoladi.

Ҳар қандай жамоани бошқариш, муайян мақсад сари йўналтиришда у таянадиган куч катта роль ўйнайди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг синфларга бўлиниб ўқитилиши, аввало, уларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутса, фан ўқитувчиларига оддийлик мураккаблик тамойили асосида билим бериш имкониятини вужудга келтиради. Учинчи, аммо ҳал қилувчи яна бир мақсад — ўқувчиларни жамоа ҳолида бошқариш синф раҳбарлари учун ҳам қулайлик, енгиллик туғдиради. Шунинг учун ҳар бир мактабда синф раҳбарлигига бошқарувнинг қуйи бўғини сифатида қаралади ва уларнинг тажрибасидан, кучидан унумли фойдаланаётган таълим даргоҳларининг рейтинги ҳам юқоридир.

СИНФГА РАҲБАРЛИК — МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Тошкент шаҳридаги 69-умумий ўрта таълим мактаби ўзига хос илғор тажрибаларга эгалиги учун бу ерда туман, шаҳар, қолаверса, республика миқёсидаги кўплаб тадбирлар ўтказилади. Мактабнинг барқарор ва таянч кучига айланган синф раҳбарлари ўртасида ижодий, ижобий рақобат муҳити ҳукм сураётганлиги, уларда ўзига нисбатан талабчанлик, изланувчанлик, ташаббускорликни оширган. Таълим масканида билим олаётган 800 нафар ўқувчи 27та синфга бўлинган ҳолда таълим-тарбия олмоқда.

Тожигул Турғунбоева, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Мактаб таълим-тарбия жараёнида синф раҳбарлари ҳақиқатан ҳам катта куч. Ҳар бир мураббий ўқув йили мобайнида ўз ўқувчилари билан 34 соатга мўлжалланган тарбиявий соатни олиб бориши керак. Синф раҳбарларининг йиллик Иш режаси мактаб раҳбари буйруғи билан расмийлаштирилади. Айрим ҳолларда бу мавзулар мавжуд муаммо ва масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб ўзгартирилиши ҳам мумкин. Синф раҳбарлари ўртасида ташаббускорликни, ижодкорликни, ташкилотчиликни ривожлантириш мақсадида ўқув йили охирида уларнинг тақдимот маросимини ўтказамиз. Тўғри, бу анъана бошқа мактабларда ҳам йўлга қўйилган, лекин бизда бу тадбирда ҳақиқий соғлом рақобат ва баҳс-мунозарага кенг йўл очилди.

Май ойида ўтказиладиган бу тадбирда ҳар бир синф раҳбари тарбиявий йўналишдаги ўз ишларини слайд ва мультимедиа орқали намойиш этади. Ўқув йили мобайнида мактаб тадбирларида бу синфнинг иштироки қандай бўлди? Ўқувчиларининг тўгаракларга қамраб олиниши қандай? Ўқитувчи ота-оналар билан мунтазам алоқа ўрнатдими? Бола яшайдиган маҳалла билан-чи? Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилмадими? Хуллас, учта номинация — «Энг фаол синф раҳбари», «Энг ташаббускор синф раҳбари», «Ободонлаштиришга энг кўп ҳисса қўшган синф раҳбари» деган номга сазовор бўлишни истамайдиган ўқитувчини топа олмайсиз. Мактаб раҳбарлари ҳар бир иштирокчининг ишини синчиклаб кўздан кечиришади, битта синфни иккинчиси билан солиштиришади ва шунда уларнинг энг илғорлари кўзга ташланиб қолади. Ўтган 2010-2011 ўқув йили якуни бўйича «Энг ташаббускор синф раҳбари» номинациясига фахрий ўқитувчиларимиздан бири Ибодат Мусаева муносиб деб топилди. «Энг фаол синф раҳбари» номинациясига Елена Соколовская сазовор бўлди. Ғолиб бўлган ўқитувчиларга мактаб директори жамғармасидан пул мукофотлари бериб борилмоқда.

Ибодат Мусаева, бошланғич таълим ўқитувчиси:

— Агар бошқа ҳамкасбларимга синф раҳбарлиги бешинчи синфдан бошлаб юклатиладиган бўлса, биз бола мактаб остонасига илк қадам қўйган кунидан бошлаб бу ишга шўнғиб кетамиз. Бошланғич таълимда ўқувчи билан ишлаш анча мураккаб. Кўп йиллик педагогик хулосам шундай: ўқувчи имкон қадар дарс қолдирмаслиги керак. Шундай вазият юз бердими, бу унинг ўзлаштиришига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ўқувчи билангина эмас, балки ҳар куни параллел равишда уларнинг ота-оналари билан ҳам иш олиб бораман. Тоби қочгану, иситмаси чиқмаётган, (умуман, оғир бетоб бўлмаган) боланинг мумкин қадар мактабга келиши тарафдориман.

Ўтган ўқув йилида 4-«А» синфнинг 27 нафар ўқувчисини 5-синфга кузатдим. Уларнинг 7 нафари аълочи, 14 нафари яхши, 6 нафари ўртача даражада бўлиб, тўрт ўқув йили мобайнида ҳар бири билан индивидуал иш олиб боришимга тўғри келди. Ҳар чорак якунида ота-оналар билан ноанъанавий тренинг машғулоти олиб бориш — доимий одатим. Бир сафар ўтказган йиғилишда ота-оналарга ип, нина, мато, ангишвона тарқатиб чиққанман. Нинани ушлаб турган она бир менга, бир ёнидаги шеригига қарайди, лекин ипи ва матоси бўлмагани учун у ҳеч нарса қила олмайди. Шунда мен ўз кўрсатмамни иштирокчиларга ҳавола этаман: «Агар ўқувчининг дафтари ёки китоби уйда қолган бўлса, худди сизнинг аҳволингизга тушади, буни саввур қилишга уриниб кўринг-да, болангизнинг ўқув қуроллари ва дарсликлари тўлиқ эканлигини мактабга кетишдан аввал, албатта, текшириб кўринг». Оддийгина бу ҳақиқатни яна бир карра ота-оналарга эслатиш уларга заррача ҳам малоллик туғдирмайди, аксинча улар бундан тўғри хулоса чиқарадилар. Ота-оналар ва уларнинг фарзандлари билан яқиндан алоқа ўрнатганим учун ҳам мактаб раҳбарияти томонидан ташкил қилинган кўрик-танловда муваффақиятга эришдим.

Дарҳақиқат, синф раҳбари ҳар бир мактабда таълим-тарбия жараёнини намунали ташкил этишга бошқош бўлсагина, ўша жамоада баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадга эришилади. Мактабда, аввало, ўсиб келаётган авлодга билим берилади, маънавий-ахлоқий тушунчалар сингдирилади, умуминсоний қадриятлар улуғланади. Бу умумдавлат, умумхалқ миқёсида қўйилаётган вазифаларга ҳамоҳанглиги ва муштараклиги билан ҳам синф раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Демак, қайсидир синф ўқувчиларининг билими, хулқи намунали даражада бўлишини истаган ўқитувчининг саъй-ҳаракатлари ҳар бир мактаб олдига қўйилган умумий талаб — билим самарадорлиги, ўзлаштириш ва давоматни яхшилашга ҳам маълум маънода ҳисса бўлиб қўшилади.

Jarayon

Қизларсора Маҳкамова, мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари:

— Мактабда ўқитиладиган ҳар бир фан боланинг умумий ўрта таълим олишига замин яратади. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» деганларидек, йиллар давомида ўзлаштирилган билим болага ҳаётда асқотади, у кейинчалик ўз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, айрим фанларни чуқур ўзлаштириб, бирор касб-ҳунар соҳиби бўлади. Бу билан нима демоқчиман? Синфлар ва фанлар кесимида ўқувчиларимизга давлат таълим стандартлари бўйича берилаётган билим, кўникма, малака мезонларининг эгалланишига синф раҳбарлари жуда катта ҳисса қўшадилар. Синф раҳбари, аввало, бирор фан бўйича мутахассис. Иккинчидан, у ўз синфи учун масъул, ҳамкасбларидан ўқувчиларининг ўзлаштириши ва давомати ҳақида сўраб туради. Агар унинг синфида аълочи ва намунали хулқ эгалари кўп бўлса, бу — синф раҳбарининг катта ютуғидир. Акси бўлса-чи, у бу камчиликни тугатиш учун елиб-югуради, имконият ахтаради. 2010-2011 ўқув йилида мактабимиз бўйича ўқувчилар билим самарадорлиги 87 фоиз, давомат 99,5 фоиз бўлди. Жорий ўқув йилининг биринчи ярмида айнан шу кўрсаткичнинг ўзи сақланиб қолди. Йил якунида бу борада юқори натижага эришишни мақсад қилганмиз. Бунда синф раҳбарларининг ҳам бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши тақозо этилади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

ҲАМКОРЛИК — КЕЛАЖАККА КЎПРИК

Ўтган йил ноябрь-декабрь ойларида ўзбекистонлик бир гуруҳ ёш педагоглар Хитойнинг Шанхай университетида малака ошириб қайтишди. Сафарда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Тошкент давлат техника, иқтисодиёт университетлари, Тошкент давлат шарқшунослик, молия, маданият, тўқимачилик ва енгил саноат, шунингдек, Тошкент вилоят давлат педагогика институтлари, Фарғона давлат университети, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти, Жиззах алоқа касб-ҳунар коллежи ҳамда Учқўрғон академик лицейи ўқитувчилари иштирок этишди.

Вакилларимиз Хитой Халқ Республикасининг таълим соҳасида қўлланилаётган янгиликлари ва педагогик технологиялар билан атрофлича танишишди. Ўз навбатида, хитойлик ҳамкасбларимизга мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган юксак натижалар ҳақида маълумот бериб, хорижий таълим муассасаси ўқув режалари ва дастурларини мамлакатимиз таълим стандартлари билан таққослаш имконига эга бўлдик.

Taassurot

Бугунги кун педагогини замонавий компьютер ва техникавий билимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода компьютер технологияларини педагогикада қўллашга мўлжалланган ўқув дастури олий ва ўрта махсус таълимда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ва кенг қўламда таълим беришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Шанхай университетида талабалардан имтиҳон олиш ва лойиҳаларни баҳолаш тизими, университет сайти орқали талабаларнинг илмий раҳбар ёки профессор билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имконияти таълим сифатини белгилаб берган. Мазкур таълим ютуқларини миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда таълим тизимимизга жорий этиш орқали кенг дунёқарашга эга ва етук билимли юқори рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мумкин. Хусусан, мен ушбу танловда илк бор иштирок этиб, кўп нарса ўргандим. Сафар илмий соҳада тажриба алмашиш билан бирга ҳар биримизга қадимий ва замонавий Хитой маданияти, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти билан яқиндан танишиш ва икки давлат педагоглари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш вазифасини бажарди. Буни биргаликда малака оширган ҳамкасбларимиз алоҳида таъкидлашди.

— Малака ошириш курслари давомида Шанхай университети профессорларидан таълимда ахборот технологияларини қўллаш, ўқувчиларнинг дарс жараёнларидаги фаоллигини янада оширишга қаратилган янги педагогик технологияларни ўргандик, — деди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси Айгул Секерова. — Шунинг баробарида билим ва кўникмаларимизни бойитдик. Бундай сафарлар педагогларни ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди.

Шоирахон НУРДИНОВА,
Тошкент давлат техника университети стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

ҚУЁШ ЙЎЛАГИДА ТУҒИЛГАНМАН...

Мана талабаликнинг учинчи йили ҳам ўтиб бормоқда... Бегона одамлар билан яшашга, дарсларга, талабалик ҳаётига анча кўникиб қолган бўлсам ҳам, бари-бир ҳанузгача ҳар куни Сурхондарёни, онамни соғинаман... Бугун ҳам шундай бўлди. Тонг... Қуёш ўзининг заррин нурларини сочиб улгурмасдан яна онамни қўмсай бошладим, уйғониб барига қўл силтадим-у, «Қаердасиз онажон?» дея йўлга отландим.

Мана, "Тошкент – Термиз" йўналишида қатнайдиган автобусдаман...

САЙРОБ

Шунчалик ҳаяжондаманки, қадимий ва навқирон Термиз шаҳрига қараб юра бошлаган автобус гўё учиб кетаётгандек. Йўл узоқ, машаққатли, ҳар тугул 12 соат зерикмай, ҳамроҳим Улжамол момо билан суҳбатлашиб, вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолдим. Шу пайт телефон қўнғироғи янграб қолди:

— Қизим, қаердасан?

— Сайробга келдим, хавотир олманг, кеч тушмай етиб бораман, дея телефон тугмасини босдим.

Сайроб деганимга ҳайратланманг, Бойсун йўлида "Сайр об" (тожикча), яъни "Ўйноқи дарё" деган маънони берувчи дарё ўтган. Шу сабабли ҳам бу жой шундай номланади. Сайроб ўзининг энг қадимий, ёши эса бир неча минг йиллар билан ўлчанадиган чинори билан машҳур. Чинорнинг бағри шунчалар кенгки, 20 кишининг қўли бирлаштирилса ҳам етмайди. Йўл четига ўзгача кўрк бериб турувчи бу дарахтнинг ичи ковак шаклда, тарихда чинор коваги мактаб вазифасини ҳам ўтаган.

Чинор олдидаги балиқларга тўла ҳовуздан эса йўловчилар чанқоғини қондиради, айтишларича, суви тиниқ, тоза бу ҳовуз балиқлари илоҳий қудратга эга, шу сабаб бу балиқларни ҳеч ким овламайди.

— Севара, Сайробга келдикма? Автобус тўхтаса, мин жиердан қаймоқли қатиқдан жеб кетамиз, хўппа? — деганча Улжамол момо ҳам автобусдан тушиб, балиқларни томоша қила бошлади. Момонинг сурхондарёлик эканлигини дарров пайқайсиз. Бошида тандир (бир неча рўмол ўрамидан тайёрланадиган бош кийим), қулоқларида ойбалдоқ, бўйнида тумор шодаси, қўлларини безаб турган билакузукнинг нақшинкор тошлари товланиши мисгар устанинг маҳорат ва меҳр билан қилган меҳнатини яққол намоён этарди.

Бойсун — тоғли юрт. Табиати мафтункор. Сувлари зилол, одамларини айтмайсизми? Иқтидорга бой, ўткир заковат эгалари. Агар унинг ўтмишига бир назар ташласак, кишилик тарихи бир неча юз минг йилликларга бориб тақалади. Боболари Алпомиш, момолари Барчиной бўлади.

Дунё таниган ва тан олган паҳлавонлар Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев ҳам шу юрт фарзандлари бўлади. Бойсунликлар санъатга ошуфта, қўли гул ҳунарманд, тадбиркор халқ. Бойсуннинг бой маданий мероси халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан нодир дурдона сифатида эълон қилинган. "Бойсун баҳори" Халқаро фестивалида бу ошиённинг ўчмас анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, халқ қўшиқларида ўз ифодасини жаранглатади, хорижлик меҳмонларни мафтун этади.

Хуллас, момо билан мана шу Бойсун эли чалопидан ҳўплаб, яна йўлимизни давом эттирдик. Икки соатлар ўтгач, автобус дам олиш учун тўхтади. Шу пайт автобусни қўлларида турли ҳунармандчилик, тикувчилик буюмлари билан тўла сотувчилар эгаллади. Кимдир ўзига Бойсун дўпписи, набирасига кўзтумор, яна бошқа биров расм солгич, яна кимдир чанқовуз сотиб олди. Чанқовуз сотиб олиб, уни чала олмаётган, юзлари кулча бир қизга Улжамол момо чанқовуз сирларини ўргатиб кетди. Бир зумда Бойсун тоғлари-ю, қирадирларини чанқовузнинг "кёкё", "бё-бё" товушлари тутди.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ЗИЁРАТГОҲИ

Уч соат чамаси юрилгандан сўнг, автобус йўловчиларининг бари қўлларини дуога очди, англадимки, биз Ал-Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳи ёнидан ўтаяпмиз. Бу зиёратгоҳнинг шундоққина йўл ёқасида жойлашганида катта маъно бор, вилоятга меҳмон бўлиб келган ҳар бир инсон авваламбор ушбу манзилгоҳни зиёрат қилиши керак. Мен зиёратга кўп бор келганман. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси оддий халқ тилида "Термиз ота" деб аталади. Мақбара кўҳна Термиз қалъасининг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган бўлиб, IX асрнинг буюк алломаларидан бири "Ҳакимия" мактабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устида бунёд этилган. Мақбарани томоша қилсангиз, ундаги ўйма нақш услуби ўша давр меъморчилигидан далолат бериб турганини кўрасиз. Мақбара девори, гумбазининг юза қисмигача жуда мураккаб ўйма ганжли нақшлар билан безатилган. Айнан ана шу нақшинкорлик ҳам ноёб, бир вақтнинг ўзида мураккаб меъморий санъат намунаси муҳрланганини кўрсатиб туради. Ислимий ва гирих услубида битилган нақшлар куфий ёзувлари билан жонли тарзда ифодаланган. Ҳаким Термизий қабри устидаги ҳозирги қабр тоши XV асрда қўйилган бўлиб, алломанинг ҳаёти ҳақида мармартошда битилган ёзувлардан билиб олишингиз мумкин. Термиз ота ўзидан кейин қолдирган 400дан ортиқ қимматли асаридан 57таси бизгача етиб келган, шулардан Парижда 12та қўлёзма асари, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истанбул ва Лондонда 1 нусхадан ноёб асарлари сақланиб келинмоқда.

Алломанинг нега «ал-Ҳаким» лақаби билан аталиши мени ҳар доим ўйлантирарди, тарих ўқитувчимнинг айтишича "Ҳаким" сўзи Қуръонда ҳам, Тавротда (Хохом шаклида) ҳам учрайди ва донишманд, файласуф, шунингдек, табиб деган маъноларни берар экан. 2008 йили Президентимиз қарорига биноан Термиз ота зиёратгоҳи қайтадан таъмирланди, атрофдаги қабрлар обод этилди. Мен ҳам йўловчилар қатори ичимда ният қилиб, қўлларимни дуога очдим, Яратгандан орзуларим ижобатини, алломанинг руҳи шод бўлишини сўрадим.

ТЕРМИЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР!

Мана, вилоят маркази остонасидамиз. Мамлакатимиз тарихининг ажралмас қисми ҳисобланган Термиз қадимдан маданият ўчоқларидан ҳисобланиб, тарих саҳифаларида "Мардлар шаҳри, олим-у уламолар шаҳри" деган номга сазовор бўлган. ТЕРМИЗ... Азим Аму соҳиллари бўйида мангу қўним топган шаҳар Ватаннинг жанубий сарҳади — дарвозасидир. Демакки, жонажон юртнинг олтин остонаси ҳам у. Одатда меҳмон уй остонасини ҳатлаб келади, нурафшон кунларга, буюк сафарларга ҳам ундан борилади. Бунда дуоларга қўл очилиб, эзгу ниятлар тиланади. Шундай файзли гўшани элу-юрт бир сўз билан Термиз дейди. Деворлари ҳамон ҳикматлар сўйлаб турган, қуёши тафтидан боғу-роғлари-ю дала-даштлари баракага тўлган, одамлари юзидан ҳам шундай меҳрлар ёғилган гўзал бўстонни Термиз атайдилар.

Деразадан атрофни кузатарканман, беихтиёр жанубдан Амударё бўйлаб Афғонистон билан чегарадош бу вилоят ҳақида Юртбошимизнинг "Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек қўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди. Бу тупроқ азалдан илму-ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғрилган", деган сўзлари ёдимга тушди.

Жанубий қалъага кириб борар эканман, ҳар доимгидек мени тинчлик рамзи Хумо қуш, қанотларини кенг ёйиб кутиб олди.

Автобусдан тушиб, Улжамол момо билан хайрлашдим-да, уйимга қараб йўл олдим. Шаҳар бўйлаб енгил машинада кетарканман, яқин икки йил ичида Термизга келмаган одам бугун унинг янгича қиёфасини умуман танимаслигини, шаҳарда ўзгариш катталигини сездим. Атрофда кишининг баҳри дилини очувчи турфа ранг гуллар, фавворалар, хиёбонлардан завқланиб, анладимки, Юртбошимиз айтганларидек, сўнгги 5 йил ҳақиқатдан "Баркамол авлод – 2011" спорт мусобақаларига мезбонлик қилган Термизнинг 5 йили бўлди.

Шаҳар ўз қиёфасини кейинги йилларда янада ўзгартирди. Замонавий уйлар, мактаблар, шифохоналар қурилди. Бунинг барчаси мустақилликнинг мевалари-да. Термиз, таъбир жоиз бўлса, қуёшнинг йўлагида жойлашган шаҳар. Одамлар бу ерда қуёшсиз яшай олмайди. Шунинг учун бўлса керак, жанубликларнинг қалби қуёшдай иссиқ. Улар бир кун қуёшни кўришмаса, уни соғиниб қолишади. Келинг, мен сизга мустақиллик йилларида шаҳарда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилай.

Дераза ойнасида Термиз темир йўл вокзали деган ёзув пайдо бўлди. Республикамизнинг жанубий вилоятлари Қашқадарё ва Сурхондарёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, темир йўлда юк ташишнинг транспорт таъминотини яхшилаш, мамлакат темир йўли тармоғини жонлантириш мақсадида «Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўли ишга туширилди. Бу темир йўл Бойсун тумани орқали иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан кам ривожланган туман қишлоқларига саноатнинг кириб келишига, ер усти ва ер ости бойликларидан кенг фойдаланишга, мусаффо тоғ ҳавосида қатор даволаш масканлари, туристик базалар, дам олиш уйлари қуришга катта имконият яратди. Энг муҳими, янги иш ўринларининг яратилиши, тадбиркорликнинг ривожланиши учун кенг йўл очилди. Ушбу йўл қурилишида бевосита ўзим ҳам ташкилотчи ёшлар қаторида иштирок этгандим. "Бунёдкор" ёшлар гуруҳи аъзолари бўлган бир гуруҳ йигит-қизлар билан Ватанимиз бунёдкорлиги, ривожланишига ўзимизнинг оз бўлса-да, ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланардик. Очилиш маросими ўтказилиб, темир йўл қатнови бошланганида қувончимиз ичимизга сиғмас, отаоналаримиз эса:

— Темир излар қурилишида менинг фарзандимнинг ҳам ҳиссаси бор, — деб ҳалигача фахрланишади.

Аср қурилиши дея эътироф этилган «Тошғузор – Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши қатор қулайликларни яратди. Бу йўл шунчаки қатнов йўли эмас, балки иқтисодий алоқаларда кўприк ҳамдир. Буни кўпгина давлат компанияларининг ҳамкорлик ишлари бошлаб юборилгани, Хонжиза тизмалари, ундаги ер ости ва ер усти хазиналарини ўзлаштириш имконини берганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Вокзал кўчасидан юқорига кетар экансиз, бир томонда замонавий руҳда қурилган бахт уйи, бир томонда Термиз давлат университетининг янги биноси чироқларга тўла, иссиқ ёзнинг ифори тўлган ойдин кўчаларга ўзгача чирой берарди.

Йўл-йўлакай марказий кўчада Навоий ҳайкалини зиёрат қилаётган ёш келин-куёвлар ҳаёт китобидаги янги саҳифани безамоқ учун «Бахт уйи» томон кетишаётганини, юзларида шодлик, қувонч, бахт, кўзларида эса шу юртда яшаётганлик шукронасини кўриб, қувониб кетдим.

«Бахт уйи» рўпарасида янгидан қад кўтарган республикамизнинг йирик дорилфунунларидан бири, вилоятда ягона олий таълим маскани бўлган Термиз давлат университети жойлашган бўлиб, таълим маскани ҳайбатли, кенг, ёруғ хоналарни ёритиб турган қандилларнинг ранг-баранглиги бинога янада файз бағишлайди.

Таълим масканида 450 нафар юқори малакали олимлар, 29 нафар фан докторлари, 176 нафар фан номзодлари ёшларга билим сирларини ўргатаётган бўлса, 30дан ортиқ илмий ва ўқув лабораториялари эса талабалар ихтиёрида.

Университет қошида 3та академик лицей мавжуд, иқтисодиёт ва молия, физика-математика ва информатика, тиббиёт-география, кимё, ўзбек ва рус филологияси, тарих ва ижтимоий гуманитар фанлар, чет тиллар, касб таълими, педагогика ва мусиқа, жисмоний тарбия каби факультетларда таҳсил олаётган талабалар университет кутубхонасидаги 250 000дан ортиқ ўқув адабиётларидан фойдаланмоқдалар.

1992 йил 28 февралда Юртбошимиз фармони билан Термиз давлат педагогика институти негизида ташкил этилган университет биноси 2009 йили янгидан барпо этилди. Халқаро андозаларга мос қилиб жиҳозланган лингафон, компьютер, кимё, физика, биология кабинетлари ҳамда замонавий ўқув хоналари, спорт заллари, ётоқхоналар, ошхона ва бошқа бир неча иншоотлар барпо этилди. Бундан ташқари университет 2002 йил ноябрь ойидан Осиё университетлари федерацияси аъзоси ҳисобланади.

Замонавий технологиялар асосида барпо этилган таълим масканида жамиятимиз учун малакали мутахассислар тайёрланаётганлигини, бир-биридан иқтидорли, "Зулфия", "Ниҳол", "Ўзбекистон белгиси" каби давлат мукофотлари совриндорлари, турли олимпиада ғолиблари, салоҳиятли, билимдон, янгиликка интилувчан тенгдошларимни кўриб, кўнглимда фахр туйғусини туйдим.

Чунки бугун Термиз деганимизда кўз олдимизга нафақат 2500 йиллик тарихга эга кўҳна ва навқирон шаҳар, афсонавий ватанпарвар қаҳрамонлар Алпомиш ва Барчиной-лар, илми-ҳадисининг буюк намояндалари Ҳаким Ат-Термизий, Имом Исо Термизий ва бошқа кўплаб алломалар етишиб чиққан Сурхон воҳасининг маркази, балки Ўрта Осиёда ягона археология музейи, Термиз ҳайвонот боғи, тарихий-меъморий обидалар, замонавий биноларни, билимга чанқоқ, ташаббускор ёшларининг ютуқлари гавдаланади.

Замонавий технологиялар асосида қад кўтарган «Сурхон» спорт мажмуаси шаҳарга кўрк қўшиб турган бўлса, Ўрта Осиёда ягона Термиз археология музейи унинг тарихи, ўтмишидан акс-садо бериб туради.

Ҳа, айтганча, бизнинг уйимиз ҳам мажмуанинг шундоқ ёнгинасида. Бир талай таассуротлар билан уйга кирар эканман, онажонимни тўйиб-тўйиб ҳидладим, ифорларини жуда соғинган эканман...

Гарчи Ўзбекистонда тарихи асрлар қаърига бориб тақаладиган, ёши эса минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар кўп бўлса-да, серқуёш Термизнинг ўз ўрни бор. Бир шоир айтганидек, Термизнинг иссиқ ёзида тухум пиширса бўлади...

Алқисса, воҳанинг бугунги кўрки-таровати фусункор ва бетакрор. Жўшқин Амударё жозибаси, бундаги табиат олами, пурвиқор, келбатли Бойсун, Вахшивор тоғлари, Сариосиё ҳудудидаги Сангардак шаршараси... Хуллас бундай мўъжизаларнинг таърифини келтириш, воҳанинг бугунги тараққиётини тавсифлаш, соҳалардаги ўзгаришларни биргина мақолада айтиб ўтиш анчайин мушкул.

Бу битикларни эса шунчаки қуёшнинг йўлагида туғилиб, қуёшни севиб, қалбидан бир дунё соддалик, Ватанга муҳаббат нурини таратиб турган шошқалоққина бир Зулфия ижоди битиклари деб билинг, чунки бугун онамни жуда соғиндим...

Севара МУСАЕВА

Қачонлардир одамлар осмонда парвоз қилишни, момиққина булутлар устида кезишни шунчаки ушалмас орзу деб ҳисоблаган. Само узра енгил қанот қоқиб учаётган қушларга ҳавас қилиб, юксак тепаликдан ўзини ташлашга чоғланган... Бугун ушбу аждодларнинг авлодлари юксак фан-техника инқилоби туфайли қанотсиз ҳам фазода "учиш"га муваффақ бўлди.

ҚЎРҚУВНИ ЕНГИШ САМАРАСИ



Пўлат қанотли қуш — самолёт ихтиро қилингач, масофа ва вақт ўртасидаги оғир мутаносиблик бузилди. Сал аввалроқ яратилган яна бир оламшумул транспорт воситаси — поезд бир суткада босиб ўтаётган йўлни самолёт икки соатда ортда қолдиргач, унинг шуҳрати каби самараси ҳам беқиёс эканлигига шубҳа қолмади. Аммо улкан пўлат қушнинг осмонга кўтарилиши ўзўзидан юз бермас, бунинг учун у белгиланган учиш ва қўниш майдончасига, йўлакларига эга бўлиши талаб қилинарди.

Шу боис самолётлар эминэркин, хавфсиз ҳаракатланиши учун аэропортлар қуриш йўлга қўйилди. Аэропорт — самолётларнинг учиб, қўниши кўзда тутилган комплекс бўлиб, у аэродром, аэровокзал ва бошқа зарур биноларни ўз ичига олади. Сайёрамизнинг илк аэропортларидан бири 1919 йили Германиянинг Кёнигсберг шаҳрида қад ростлаган Девау аэропорти ҳисобланади. Қолаверса, айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, уни халқаро стандартларга жавоб берувчи биринчи аэропорт дейиш ҳам мумкин.

Аэропортлар бажараётган вазифасига қараб гидроаэропорт ва халқаро аэропортга бўлинади. Халқаро аэропортлар чегара ва божхона назорати остида шаҳар ҳамда давлатлараро белгиланган ҳаво йўллари орқали учиб, йўловчи ёки юк ташиш каби эҳтиёжларнинг қондирилишига хизмат қилади.

Аэропортда йўловчиларни кутиб олиш ва манзилига ёруғ чеҳра билан кузатиб қўйиш учун аэровокзаллар қурилган. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида аэровокзалларни идеал даражада жиҳозлаш ва керакли технологиялар билан таъминлашга улкан эътибор қаратилади. Хусусан, таниқли Голливуд актёри Том Хэнкс бош ролни ижро этган "Терминал" бадиий фильмида ҳам айнан замонавий аэровокзал қиёфаси, ундаги жўшқин ҳаёт юксак даражада жонлантирилган...

Шунингдек, аэродром учиш (қўниш) майдончаларини, бошқариладиган йўлакчаларни, перронларни, тўхташ ва ёнилғи қуйиш жойларини, ҳаводаги ҳаракатларни бошқарувчи (ҳаво йўлларидаги ҳаракатни, электр радиотехникаси ва электр ёруғлик техникаси ва метеорологик хизматлар, штурман ва ҳоказоларни ташкил этиш) мажмуани ўз ичига олади.

Аэропорт қуриш, унинг ҳайратомуз лойиҳаларини ишлаб чиқиб, рўёбга чиқариш вақт ўтгани сари сезиларли даражада кучайди. Шотландиядаги ғайриодатий Барра халқаро аэропорти фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, ҳали ҳануз кўрганларни лол этувчи Мадейра аэропортини ҳам бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

1964 йил 8 июлда фойдаланишга топширилган ушбу мажмуа аллақачон Португалиянинг миллий бойликлари рўйхатига киритилган. Мадейра халқаро аэропорти Санта-Круш шаҳрига яқин, Фуншала шаҳридан эса 16 километр узоқликда жойлашган. Аэропортдан Лиссабонгача 980 километр бўлиб, масофа 1,5 соатда босиб ўтилади. Португалияда у Лиссабон, Порту ва Фару халқаро аэропортларидан кейинги ўринда туради. Аэропортнинг одамларга хизмат кўрсатиш миқёси йилдан-йилга ошмоқда. Хусусан, 2006 йилда қатновчилар сони 2,36 миллиондан кўпроқни ташкил этган ҳамда натижада аэропорт бюджетига катта фойда киритилганди.

Ҳозирги кунда Мадейра аэропортидаги «TAP Portugal» авиакомпаниясига тегишли тўхташ жойида дунёнинг машҳур 20та авиакомпанияси самолётлари қўним топмоқда. Уларнинг орасида «Air Berlin» (Берлин, Франкфурт, Нюрнберг, Цюрих), «British Airways» (Лондон (Гатвик)), «Europe Airpost» (Париж (Шарль де Голль)), »SATA International» (Лиссабон, Ньюкасл (фақат қишда), Париж (Шарль де Голль), Понта-Делгада, Порту, Цюрих), «Scandinavian Airlines» (Осло), «TAM Airlines» (Лиссабон, Сальвадор, Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро), «TAP Portugal» (Амстердам, Барселона, Каракас, Лиссабон, Лондон (Гатвик), Лондон (Хитроу), Франкфурт, Мадрид, Париж (Орли), Порту, Сальвадор), «Thomsonfly» (Амстердам, Лондон (Гатвик)), «Thomas Cook Airlines» (Бирмингем, Бристоль, Глазго, Лондон (Гатвик), Лондон (Лутон), Манчестер) ва бошқалар бор.

Қўниш майдончаси дастлаб 1600 метрга чўзилган, бироқ халқаро стандартларда кўрсатилган меъёрга нисбатан тор йўлакчали аэродром учувчиларга қўниш ва тўхташ жараёнида мураккаблик туғдирарди. Шунга қарамай, дастлаб йўлакчани ўзгартириш ва кенгайтиришнинг имкони бўлмаган. Боиси, ер ландшафти бунга монелик қиларди. Қолаверса, ҳар дақиқада Атлантика океани тўлқинлари келиб, "пойи"га ўзини урувчи аэропорт савлатли тоғу адирлар ёнбағрида жойлашган. Аэропорт қиёфасини такомиллаштириш учун мазкур тоғларни текислаш ва уммон сувини жиловлаш зарур, деб ўйларди муҳандислар.

... Мадейра аэропортига қўниш учун пастлаётган чоғда самолёт йўловчилар хаёлида тўсатдан гўё улкан тоғларга урилиб, чил-парчин бўладигандек таассурот уйғотади. Булутлар тагида кўринмай турган тоғларга самолёт яқинлашгани сайин "замин устунлари" шунчалик каттариб бораверади. Чайқалиб турган беадад океан эса қўрқувни янада оширади. Шундай баҳайбат тоғу сув орасига тортилган бир чизиқдек омонат Мадейра аэропорти эса одамларни даҳшатдан халос этади...

Табиийки, аэропортда хавфсизликни таъминлашга жуда жиддий эътибор берилади. У замонамизнинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган, йўловчилар ўз манзилларига омон-эсон етиб олиш учун етакчи учувчилар ва мутахассислар бригадаси жавобгар.

Ҳа, чиндан ҳам ўз ишининг энг моҳир усталаригина бу аэропортга ўз ҳаво кемаларини муваффақиятли қўндира олади. Сабаби шундаки, қўниш жараёнида самолётни аввалига тоғ томон йўналтириб тезликни "қирқиш", кейин бирдан аэропортга тўғрилаш зарур. Бунинг учун жуда катта жасорат ва тажриба талаб этилади. Тоғдан эсаётган ноқулай кучли шамол ва океандаги гирдобли ҳаво оқими учувчининг лаҳзалик лоқайдлиги ёки уқувсизлиги боис самолётни қуш патидек истаган томонга учириши, қуйига йўғалатиши мумкин. Шу сабабли ҳам "Travel+Leisure" туристлар учун чоп этиладиган журналда Мадейра халқаро аэропорти энг хавфли 10та аэропорт сирасига киритилган бўлса, ажабмас.

Бунинг устига, Мадейра аэропортининг қўниш йўлаклари аввалига жуда ҳам хавфли қурилганди. Жумладан, бу ерда 1977 йили 19 ноябрда машъум воқелик содир бўлганди. Ўз бортида 164 нафар йўловчини олиб келаётган TAP Portugal авиакомпаниясига тегишли "Боинг-727" самолёти уч уринишдан сўнг йўлакчага тушади, бироқ океандан эсган кучли пўртанага учраб, керакли вақт ва масофада тўхтай олмай, йўлдан чиқиб кетади. Фожеа натижасида самолётда бўлганларнинг 131 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмгани эса чиндан ҳам аянчли, албатта.

Орадан бир ой ўтиб, яна бир бахтсиз ҳодиса қайд этилади. 1977 йилнинг 18 декабрида «SATA International» авиакомпаниясига тегишли "Aerospatiale Caravelle 10R" самолёти қўниш вақтидаги оптик янглишув боис мўлжал нотўғри олинади ва у ҳам сувга шўнғийди, оқибатда бортдаги 57 нафар йўловчининг 36таси ҳаёт билан эрта видолашади...

Бу икки ҳолат ҳукумат мутасаддиларини чуқур ўйга толдирди. Орадан саккиз йил ўтиб, улкан қурилиш ишлари ҳамда маблағ эвазига йўлакча яна 200 метрга узайтирилди. 2000 йили эса навбатдаги йирик лойиҳа аэропортга қўшимча кўрк бағишлади: бир неча йиллар давомида иложсиз деб келинган иш амалга оширилди — йўлак кенгайтирилди. Бунинг учун ҳар бирининг бўйи 70 метргача ва диаметри 3 метр бўлган 180та улкан бетон устун ўрнатилди ҳамда уларга мустаҳкам плиталар ётқизилиб, Мадейранинг "кемтик"ларидан бири тўлдирилди.

Бу маҳаллий аҳоли ва хорижлик йўловчилар, туристлар томонидан илиқ кутиб олинди. Жаҳонда ноёб ва дурдона аэропортлардан бири бўлган Мадейра 2004 йили кўприк қурилиши ассоциациясининг нуфузли мукофотига сазовор бўлди.

Замондош олимлардан бири: "Инсон бир неча асрлар мобайнида қолоқлик кўчасида саргардон қилган қўрқувни енгди. Бу унга ақл кенгликларида сузиш имконини берди", деганди. Чиндан ҳам илму ирфон туфайли янги оламларни кашф этдик. Эҳтимол, барча ихтиролар айнан қўрқувни маҳв этиш эвазига содир бўлмагандир, бироқ уларнинг кўпчилигига айнан одамзоднинг ўзига бўлган ишончи ва хаёлий ғоялари берган турткилар туфайли эришилмоқда, десак адашмаган бўламиз. Зеро, Мадейра халқаро аэропорти ҳам ана шундай — инсон тафаккури ва жасоратининг бетакрор намунасидир.

Зоҳиджон ХОЛОВ



Bilasizmi?

30 ЙИЛДА ТОПИЛГАН КЎЛ

Россиялик олимлар Антарктида 3 768 метр чуқурликда жойлашган музлик остидаги Шарқ кўлига 30 йиллик изланишлардан сўнг етиб боришнинг уддасидан чиқишди. Бу ҳақида «Компьюлента» манбасида маълум қилинди.

Таъкидланишича, аслида кўлнинг борлиги тўғрисидаги тахмин ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ ўртага ташланган эди. Лекин бу фараз фақатгина 1996 йили тасдиқланган. Сув ҳавзасининг узунлиги ўлчамлари 250х50 километр экан. Мазкур сув ҳавзаси Ер юзидаги энг йирик чучук сув манбаларидан ҳисобланади. Олимларнинг айтишича, у ўзига хос ёпиқ биосферага эга бўлиб, сўнгги бир неча миллион йил давомида дунёдан узилган ҳолда бўлган. Шунингдек, сувга ёруғлик етиб бормаслиги боис кўлда фотосинтез жараёни ҳам кузатилмайди. Олимларнинг айтишича, Шарқ кўлида Ер юзидаги суви бор, лекин ҳаёт йўқ ягона жой ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Россияга қарашли «Шарқ» станциясидаги бурғилаш ишлари ҳали кўлнинг борлиги номаълум бўлган пайтлар, аниқроғи, ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган экан. Аввалига олимларни сайёрамиз тарихи ҳақида маълумот берувчи чуқурликдаги муз намуналари қизиқтирган эди. 1998 йилга келиб бурғилаш ишлари тўхтатилган, сабаби ўша пайтда кўл экотизимига зарар етказмаган ҳолда уни «очиш» имконини берадиган технология мавжуд бўлмаган. 2003 йили бундай технология Санкт-Петербург шаҳридаги Тоғ институтида ишлаб чиқилгач, 2005 йили бурғилаш ишлари давом эттирилди.

ГАЗЛИ ИЧИМЛИК АСТМАГА САБАБ

Австралиядаги Аделаида университети мутахассислари кўп миқдорда газли ичимликларни истеъмол қилиш астма ёки сурункали обструктив ўпка хасталигини келтириб чиқариши мумкинлигини аниқлашди. Қолаверса, улар газли ичимлик семиришга олиб келадиган маҳсулотлардан бири эканини ҳам таъкидлашмоқда, дейилади «Мэдикал Экспресс» («Medical Xpress») манбасида.

2008-2010 йиллари ўтказилган тадқиқот доирасида телефон орқали савол-жавоб ўтказилган ва унда 16 ёшдан катта 17 мингга яқин одам қатнашган. Қатнашчилар ўзлари истеъмол қилаётган газли ичимликлар (тиббиёт ходимлари бунга турли хил кола, лимонад, хушбўй минерал сув ва бошқаларни киритишган) миқдори ҳақидаги саволларга жавоб беришган.

Жавоблар таҳлил этилганда мамлакатнинг ҳар ўнинчи вояга етган фуқароси кунига ярим литрдан зиёд газли ичимлик ичиши маълум бўлди. Мазкур кўрсаткич эса астма ёки сурункали обструктив ўпка хасталиги ривожланиши омили экан.

Умуман олганда, иштирокчиларнинг 13,3 фоизида астма, 15,6 фоизида эса сурункали обструктив ўпка хасталиги топилган бўлиб, айни пайтда улар чиндан ҳам кунига ярим литрдан ортиқ газли ичимлик истеъмол қилишини тан олишди. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, газли ичимлик истеъмол қилиш билан бирга чекадиган иштирокчилар ўз соғлиғига яна ҳам каттароқ зарар етказар экан. Хусусан, кунига камида ярим литр газли сув ичадиган кашандалар 6,6 баробар кўпроқ хасталикларга чалинаркан.

МАРС УЗОҚ ВАҚТ СУВСИЗ БЎЛАДИ

Лондондаги империя коллежи тадқиқотчилари океанортидан космосга чиқарилган «Феникс» модули ёрдамида олинган Марс тупроғининг уч йиллик таҳлиллари асосида қизил сайёрада яна камида 600 йил мобайнида сув бўлмаслигини тахмин қилишмоқда. Бу эса қизил сайёрада ҳаёт бўлишига умидни сўндиради. Мавзуга оид мақола «География изланишлар» («Geophysical Research Letters») журналида чоп этилди.

— Биз Марс тупроғида сайёра ташкил этилгандан сўнгги 5 минг йил давомида суюқ ҳолатдаги сув бўлган холос, деган хулосага келдик, — деди тадқиқот раҳбари Том Пайк. — Қолаверса, Марс тупроғи Ойники каби бир-бирига жуда ўхшаш ўта қуруқ шароитда шаклланган экан.

Суньий йўлдош суратлари ва аввалги тадқиқотлар Марс тупроғи бутун сайёра бўйлаб деярли бир хилда эканини кўрсатди. Бу охирги изланиш натижалари бутун Марс учун бирдек тегишли, деганидир. Қолаверса, бу суюқ ҳолатдаги сув Марсда жуда қисқа муддат ичида кузатилгани боис тирик организмларнинг ҳаёт кечириши учун унчалик қулай шароит бўлмаганини ҳам билдиради. Ҳаёт бўлганини билдирувчи белгиларни топиш учун эса тупроқ қаърига янада чуқурроқ кириб бориш талаб этилади.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

JUMLADA JAHON
yangiliklari ● xabarlari

Океанортидаги «Бутун сайёра келажаги» фонди лойиҳаси доирасида ўтган йили сомалилик қароқчиларнинг дунё иқтисодиётига келтирган зарари ҳисоблаб чиқилиб, мазкур кўрсаткич салкам 7 миллиард долларни ташкил этгани маълум қилинди.

Россиянинг Новосибирск шаҳрида кучли бўрон кузатилиб, 19 даража совуқда бир сонияда 45-60 метр тезликда ҳаракатланган шамол 270дан ортиқ турар жойга зарар етказган ва 70 нафарга яқин одам жабрланган.

Евро муомалада бўлган ҳудуд мамлакатлари томонидан Грециядаги молиявий кўмак кўрсатиш борасидаги ҳужжатга имзо қўйиш кейинга қолдирилиб, бунинг сабаби — инқироз кузатилаётган мамлакатда охирги пайтда вазият яхшиланаётганига қарамай, ёрдам маблағини дарҳол бериш учун барча шартлар бажарилмагани билан изоҳланмоқда.

Германиядаги «Tennet», «50 Hertz», «Amprion» ва «EnBW» энергия тизими операторлари совуқ об-ҳаво шароитида иссиқликка бўлган эҳтиёж ортгани ва қўшни Францияга электр қуввати экспорт қилинаётгани боис тўхтатиб қўйилган бир нечта атом реакторларини ишга туширишга қарор қилди.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Тендер номи: 2012 йилда умумтаълим мактаблари учун синф журналларини харид этиш.

Тендер №: ХТВ- 2012

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2012 йилда умумтаълим мактаблари учун қуйида номлари келтирилган синф журналлари тендер савдоларини ўтказиш орқали харид этади:

№	Мактаб ўқув ҳужжатларининг номи	Адади	Бошланғич (максимал) қиймати
1	I-IV-синф журнали	82 278	3 130,00
	V-IX-синф журнали	105 751	4 450,00

Тендер синф журналлари ҳамда бошқа мактаб ҳужжатларини сифатли ва арзон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

— талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;

— талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;

— тендер савдоси талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси;

— талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;

— эълон берилган даврда тендер талабгорининг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси;

— нашр этиш учун мўлжалланган қийматнинг камида 5 фоизи миқдорида бўш айланма маблағларининг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолати оригинал нусхаси;

— лицензияси ва ноширлик ҳуқуқи лицензиясининг мавжудлиги.

Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;

— малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

— илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

— тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

— буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;

— пакетлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

— тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи гуруҳи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар 2012 йил 13 февралдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан қўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охирги кунига қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими. Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, Факс: (+99871) 239-40-81.

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади: Махсус ҳисоб рақами № 20 203 000 100 101 044 002, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО 00 423, ИНН 201 122 808.

Тендер таклифи умумий қийматининг 3 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2012 йил 12 март соат 11.00га қадар ишчи гуруҳ манзилига топширилиши керак. Тендер таклифлари 2011 йил 12 март куни соат 15.00да юқорида келтирилган манзилда барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Dam olish sahifasi

АЛИШЕР БИЛАН БУЛБУЛ

Rivoyat

Илгари замонда Ғиёсиддин Кичкина деган кишининг Алишер исмли ўғли бўлган экан. У ёшлигидан уддабурро, зийрак бўлиб ўсибди. Тўққиз ёшга тўлганда эса шеърлар ёза бошлабди. Одамлар у ёзган шеърларни қулоқ бериб тинглайдиган бўлишибди. Лекин бола ўзига ҳали тахаллус танламаган экан.

Алишер бир куни янги шеърини ёзибди-да, уни боққа чиқиб баланд овоз билан ўқий бошлабди. Шу пайт боғдаги теракка чирмашган қирқ оғайнининг шохида ўтирган булбул Алишернинг ёқимли овозини эшитиб қолибди. Ёш шоирнинг гоҳ қўнғироқдай жарангдор, гоҳ тонг шамолидай майин овози булбулни ўзига мафтун этибди. Қушча дарҳол унинг елкасига қўниб: — Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбулларнинг эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Номингни билсам бўладими? — дебди.

— Алишер! — деб жавоб берибди бола.

— Билдим, билдим, янги чиққан шоир экансанда. Энди ўзингга чиройли бир тахаллус танлаб, шеърларингнинг охирига ўшани қўшиб кетгин.

Алишерга булбулнинг бояги "наво" деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан кейин ёзган ғазалларининг тагига "Навоий" деб ёзиб қўядиган бўлибди.

"Эл деса Навоийни..." китобидан.

МЕН ҚУШИҚНИ КЎРДИМ

Kechinma

Одатда қушиқ тингланади. Одамлар қушиқни тинглаб маза қиладилар, енгил тортадилар, чунки ундан дардига малҳам топгандай бўладилар. Қушиқни фақат тинглаш эмас, балки кўриш ҳам мумкин экан.

Тўй. Меҳмон сифатида мен ҳам тўйнинг иштирокчисиман. Ҳофиз қушиқ куйламоқда. Бирини тугатиб, иккинчисини бошлашдан олдин анча ҳозирлик кўрди. Торини қайтадан созлади. Гамгин куй оҳангига ҳамоҳанг қушиғини бошлади:

Гавжум кўчаларни
кездик ёнма-ён,
Саноқсиз жуфт излар
қолди бир талай...

Мисралар диққатимни тортди. Маъносига ўхшаган воқеа-ҳодисалар билан ўтган ёшлик йилларим кўз олдимда гавдаланди. Ҳа, у билан жуда кўп кўчаларни ёнма-ён кездик. Баъзи кунлари туман марказидан беш-олти қишлоқ наридаги қишлоғигача пиёда кузатиб қўярдим. Суҳбатларимиз қизиб кетганидан чарчаганимизни ҳам билмасдик. Қани энди бу йўллар тугамаса, дер эдим. Яна шундай дийдор умидида беихтиёр хайрлашардик. Ширин орзуларга чўмган бахтли кунларимизга ортда қолган минглаб жуфт излар гувоҳ бўлиб қолди бугун.

Ҳофиз берилиб куйлашда давом этарди:

Энди у кунлар учун
бош эгамиз,
Бир жуфт қорачиғни
ёшга тўлдириб.
Орқага боқмоққа
бетламас юрак,
Бахтлилар келмоқда
кўча тўлдириб...

Не сабаб бўлди, бизнинг кўчалар икки томонга бурилиб кетди. Ўша жуфт юрган кўчаларни кўп бор ёлғиз кезиб чиқаман. Бугун айрилиқ азобидан қалбим йиғлайди. Бош эгиб ўйга толаман. Кўзим ёшга тўлганидан ёруғ олам хиралашади. Бош кўтариб орқага қарамоққа юрагим бетламайди. Чунки бу кўчалардан юзлаб бахтлилар келмоқда. Уларга қарасам, менинг бахтсизлигим бўйибасти билан яққолроқ кўрингандай бўлади, назаримда. Уларга ҳавасим келса-да, қаролмайман.

Энди кўз ёшлари
юволмас, ҳайҳот,
Юракни ўртаган
ўша изларни.
Бизки, муҳаббатни
писанд қилмадик,
Муҳаббат ҳам
кечирмади
бизларни...

Нега бундай бўлди, Маҳбубам! Осуда хонадонларга қалдирғоч ин қўйгани каби, қалбимизга муҳаббат буларни бир умрга бахтли қиламан, деб меҳмон бўлиб келган экан-а? Сезмай қолдикми ё қадрига етмадик? Менингча, беэътибор бўлдик, биз уни писанд қилмадик. Энди кўзёшлар бефойда: армон бўлиб қолган кунлар хотирасини батамом ўчиролмайди.

Қушиқ бахтли ва армонли кунларимни кино лентасидек кўз олдимда намоён қилди.

Ҳа, мен ўшанда қушиқни кўрдим...

Қосимжон СОЛИЕВ
Бешариқ

Kuzatuv

ИФФАТ ГУЛИ

Қизғалдоққа ҳар баҳор кўзим тушса, аввал унинг очилмаган ҳолатига эътибор қиламан. Оқ лиг-

босда... Сўнг диққат билан очилганларини кўздан кечираман: қипқизил. Ҳатто синчиклаб қарамасангиз, қоп-қора ҳоллари ҳам билинмайди. Уни табиат шунчалик нозик қилиб яратганки, қўлингиз тегса сочилиб кетишидан, увол бўлишидан қўрқасиз.

У майин шамолларга эркалик қилади. Бутун қисқагина умрини шу андиша, ҳаё либосида ўтказиб қарийди. Балким, унинг қадри юзидан иффат ранги умрбод сўнмаганлигидадир. Қизғалдоқ иффат гулидир: ранги қизил, жуда нозик...

Қизғалдоқ доим баҳорда туғилади, уни асло қўлда ўстириб бўлмайди.

ҚАЙ БИРИ?!

Мажнунтол новдалари доим эгик, маъюс. Саноқсиз кокилларини шамол зўрға ўйнайди. У ийманибгина бошларини силкийди, нозланади.

Теракнинг эса, қадди ғоз, қуёшга қараб безрайиб турганитурган. Беғам, кибрли... Сал шамол эсиши билан ўйинга тушиб кетади. Беўхшов силкинади. Аммо теракни мажнунтолга қараганда кўпроқ экишади. Қизиқ ҳолат, қай бири қадрли, қай бири ғўзал?!

ЧИРОҚ ВА ШАМ

Чироқнинг ҳам, шамнинг ҳам вазифаси бир — ёритмоқ. Аммо чироғини ёқди ижобий-у, шамини ёқди — салбий. Ўзганинг шамини ёқишдан қайтинг, виждонингиз қийналмайди! Чироқ ёқинг, кимнингдир туйнуксиз хонасини ёритинг! Ортингизда чироғингизни ёқувчи чироқчингиз қолишини хоҳласангиз, шам ёқманг!

Олим ЖУМАБОЕВ

ИЛМ — ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА ТАЯНЧ!

Ҳадислар

Ким ота-онасини рози қилса, Оллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади.

***

Мўъминларнинг афзали хулқ-атвори яхшироғидир.

***

Оддий кийим кийиш иймондандир.

***

Аҳмоқдан узоқлашинг.

***

Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир.

***

Омонатга хиёнат қилмоқлик, ёлғон сўзлаш, сўзида турмаслик, кек сақлаш — мунофиқлик аломатларидир.

***

Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мददкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир.

АФОРИЗМЛАР

Инсоннинг юзидаги ғазаб чизиқлари кўп ҳолларда ўсмир юзида қотиб қолган ҳайратдир.

***

Тараққиётга ишониш ҳали тараққиёт содир бўлди деган гап эмас.

***

Ўз инсонийлигингни синаб кўр, синов шубҳаланганни шубҳага солади, ишонганнинг ишончини орттиради.

***

Китоб — қалбимизда музлаб қолган денгиз учун болта бўлиши лозим.

***

Сен менинг севгилимсан, дейишим, бу — асл муҳаббат дегани эмас. Муҳаббат, бу — сен; сен — ханжар, бу ханжар ила менинг ўз бағримни тилишимдир.

***

Икки оёғинг остидаги замин аслида ундан ҳам улканроқ эканлигини тасаввур эта олмаслик — бахтни англашдир.

Олмон тилидан
Содиқ ЭРГАШЕВ таржимаси



***

Оёқни чалиштириб ўтиришнинг жуда зарари катта ва бунинг устига ўта беодобликдир.

***

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Помидор юрак фаолиятини яхшилайди.

***

Кўз оғриса, кўк чойни дамлаб, шаммасини олиб ташлаб, бир неча бор кўзни ювиш керак. Шунда кўз тез тузалади.

***

Севгини инсон руҳи бошқаради, у бадандаги турли ҳолатларга "рахбарлик" қилади. Севги доим соғлиққа ижобий таъсир кўрсатади.

Кўк чой юз терисини таранглаштиради, ажинларни камайтиради.

***

Кўкрак оғриса, билингки, ўпканинг олди томони шамоллаган бўлади.

***

Қизил лавлаги қонни кўпайтиради ва тозалайди.

ТАСНИФ

Талабалар уч хил бўлар экан:
биринчиси — маза қилиб ўқийдиган;
иккинчиси — маза қилмай ўқийдиган;
учинчиси — маза қилиб ўқимайдиган.

БОПЛАБ АЛДАДИМ

Хаймито кўчадан уйга югуриб кириб, ойисини чақиришга тушди:

— Ойи, ойижон, биласизми, мен ҳозир нима қилдим?

Ойиси:

— Ҳа, нима қилдинг, айта қол!

— Бугун мен автобус ҳайдовчисини боплаб алдадим: йўл ҳақини тўладим-да, кейин автобусга чиқмадим!!!

Испан тилидан Нодира РАҲМАТУЛЛАЕВА таржимаси.

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ ва Соҳиба МУЛЛАЕВА тайёрлади.

ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА ТАРАДДУД АВЖИДА

Маълумки, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг республика босқичи саноатчилар шаҳри Навоийда бўлиб ўтади. Айни кунда мазкур тадбирни ўтказиш учун катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Бу ишларни янада жадаллаштириш, беллашувларни талаб даражасида ўтишини таъминлаш, тадбир иштирокчилари учун зарур шарт-шароитлар яратилишини қатъий назорат қилиш мақсадида Навоий вилоят ҳокимлиги ҳузурида 16 йўналишда ишчи гуруҳи ташкил этилди. Жумладан, меҳмонларни тантанали суратда кутиб олиш ва кузатиш, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаси машъаласини Навоий шаҳрига олиб келиш ҳамда «Машъала ёқиш» тантанали маросимини ташкил этиш, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларга тиббий хизмат кўрсатиш, беллашувлар ўтказиладиган иншоотлар ва қатнашувчилар яшайдиган жойларнинг тозалиги ҳамда озиқ-овқат сифатини назорат қилиш, яшаш ва тадбирлар ўтказиладиган биноларда алоқа хизматларини таъминлаш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш сингари йўналишлар бўйича иш олиб борувчи ишчи гуруҳларга мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари жалб этилган.

— Ҳозирда Навоий спорт коллежини тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Латиф Аҳмедов. — Шунингдек, спорт мусобақаларининг боришини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига кўмаклашиш ва матбуот маркази хизматини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш масаласига жиддий аҳамият берилаётир.

Ойбуви ОЧИЛОВА

СПОРТ ВА САЙЁҲЛИК УЙҒУНЛАШДИ

Тоғлар бағрида, денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда жойлашган Зомин азалдан бетакрор табиати, ям-яшил арчазорлари, шифобахш ҳавоси, минг дардга даво ўсимликлари билан машҳур.

«Зомин» санаторийси туман марказидан 50 километр узоқликда, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, қўриқхона ҳудудида жойлашгани туфайли ўзгача кўрк ва жозиба кашф этади. Бу ерда юқори нафас йўллари ва асаб тизими касалликлари самарали даволанмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби турлари тез ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанғи спортига қизиқувчилар кўпчиликни ташкил этади. Шу боис «Зомин» санаторийси ҳудудида узунлиги 350 метр бўлган тоғ-чанғи спорти трассаси барпо этилди. Бунда ушбу спорт турига қизиқувчилар, уни ўрганиш истагидаги ёшлар ва ота-оналарнинг истаклари эътиборга олинди ва ушбу масканда керакли шароит яратилди.

Инфо-тур доирасида Зомин туманининг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган қатор тадбир ва тақдимотлар бўлиб ўтмоқда. Анжуманларда бу ерга қиш мавсумида ҳам сайёҳларни жалб қилиш, халқаро ва ички туризмни, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда. Бир сўз билан айтганда, санаторий ҳудудида очилган биргина тоғ-чанғи спорти трассаси келгусида ҳам сайёҳларни ва бошқа қизиқувчиларни Зомин тоғларига чорлайверади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

МАВЗУ: КИШТ, МОТ ВА ПОТ

Ўн учинчи дарс — *Sport saboqlari* — Мураббий: Эсон АЛИ

Шахмат ўйинида сипоҳлар рақиб сипоҳига ҳужум қилиш учун ҳаракат қилишади. Сипоҳ, рақиб шоҳига зарба бериш ниятида ҳужум қилса, "кишт" деб рақиб шоҳи уни огоҳлантиради. Рақиб шоҳи киштдан қутулиши шарт. Шоҳ огоҳлантирилгандан кейин киштдан қутулиш учун 3та усулдан фойдаланилади:

1. Кишт берган сипоҳни уриб олиш;
2. Шоҳни бошқа сипоҳ билан ҳимоялаш;
3. Зарба берилмайдиган бошқа хонага шоҳни суриш.

Киштдан ҳимояланиш усуллари 1—6-расмларда кўрсатилган.

1. Кишт берган сипоҳ уриб олинади.

1-расм

Фил е3 хонага юриб шоҳга кишт берди.

2-расм

Кишт берган сипоҳ от билан уриб олинди.

2. Шоҳ бошқа сипоҳ билан ҳимояланади.

3-расм

Фил е3 хонага юриб шоҳга кишт беради.

4-расм

От f2 хонага юриб, шоҳни фил зарбасидан ҳимоялайди.

3. Шоҳ зарба берилмайдиган хонага юради.



5-расм

Фил е3 хонага юриб шоҳга кишт берди.

6-расм

Шоҳ бошқа хонага юриб ўтди.

Агарда шоҳга кишт берилган пайтда шоҳнинг ҳимояланиш имкониятлари ёки юрадиган бехавотир хона бўлмаса, у таслим бўлади. Таслим бўлган шоҳ эса "мот" бўлди, деб ҳисобланади ҳамда ўйинни ютқазади.

Баъзи пайтларда шоҳ "мот" бўлмай, балки "пот" бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат рақиб шоҳига кишт бермаган пайтда шоҳнинг ва рақиб доналарининг юрадиган хоналари қолмаса содир бўлади. Пот бўлган томон ютқазмайди, ўйин дуранг билан тугайди.

Ўйиннинг мот ва пот ҳолатлари 7—9-расмларда кўрсатилган.

7-расм

Оқлар юришдан олдинги ҳолат.

8-расм

Рух f8 хонага юриб, қора шоҳга кишт берди. Қора шоҳнинг киштдан қутулиш имкониятлари йўқ. У мот бўлди.

9-расм

Оқ шоҳ f8 хонага юрди. Қора шоҳга кишт берилгани йўқ. Қора шоҳ юрадиган хона йўқ, шунинг учун ўйин пот бўлди. Бу дуранг деганидир.

10-расм

Келгуси дарсимизда режа, ҳужум ва ҳимоя билан таништирамиз.

ЭРТАГА ФИНАЛ

Футбол бўйича Африка миллатлар кубоги баҳсларида Кот-д'Ивуар терма жамоаси Мали жамоаси устидан ғалаба қозониб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Либревилда ўтказилган ярим финал учрашувида 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Учрашув тақдирини ҳал қилган ягона гол 45-дақиқада Жерминьо томонидан йўлланди.

Ярим финал учрашувининг Бат шаҳрида ўтказилган иккинчи матчида Гана ҳамда Забия терма жамоалари ўзаро куч синашди. Унда кутилмаганда 0:1 ҳисобида забияликлар мусобақа фаворитлари устидан ғалаба қозонди. Бу матчда урилган ягона голга Эммануэль Маюк (78-дақиқада) муаллифлик қилди.

Кот-д'Ивуар ва Замбия ўртасидаги финал ўйини эртага Либревилда ўтказилади. Унгача Гана ҳамда Мали жамоалари 3-ўрин учун кураш олиб боради.

ЭНГ ЯХШИ ВАҚТ КЎРСАТКИЧИ

Швецияда ўтказилаётган ралли бўйича жаҳон чемпионати саралаш босқичида мусобақалар тарихидаги энг яхши вақт кўрсаткичи қайд этилди. Бунга финляндиялик пойгачи, Форд жамоаси аъзоси, Ярим-Матти Латвала эришди.

Мазкур мамлакатда ўтказилаётган квалификация босқичи билан ралли бўйича жаҳон чемпионатининг 2012 йилги мавсуми старт олди. Унинг дастлабки кунидаги кимўзарда ғолиб чиққан Латвала 4 километрга якин масофани бир дақиқаю 53 ярим сонияда босиб ўтди. Ундан 0,568 сонияга ортда қолган «Citroen» пойгачиси Микко Хирвонен иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин «M-Sport Ford» жамоаси аъзоси эстониялик Отта Танака (1.54,089)га насиб этди.

8 карра жаҳон чемпиони Себастян Леб («Citroen») бу сафар марра чизиғига олтинчи бўлиб етиб келди. Швецияда ўтказилаётган мусобақа эртага ниҳоясига етади.

ОЛТИН ВА 54 СОНИЯ ҚАДРИ

Калгари шаҳрида бобслей ҳамда скелетон бўйича ўтказилаётган жаҳон кубоги мусобақалари қизғин давом этмоқда. Унда британиялик скелетончи Элизабет Ярнольд энг юқори натижа қайд этиб, ғалаба қозонди.

Белгиланган масофани икки марта айланиб, марра чизиғини иккинчи бор кесиб ўтиш шартини у 1 дақиқаю 55,93 сонияда бажарди. Элизабетдан 54 сонияга ортда қолган германиялик Аня Хубер иккинчи ўринни эгаллади. Кучли учликни яна бир британиялик спортчи — Шелли Вадман (Элизабетдан 64 сонияга ортда қолди) тўлдирди.



Бундан аввал бобслей ҳамда скелетон бўйича жаҳон кубогининг Уистлерда ўтказилган еттинчи босқичида канадалик Меллиса Холлингсворт муваффақиятга эришганди, деб хабар берди бобслей ва скелетон халқаро федерацияси расмий сайти.

ВАҚТИНЧАЛИК МУРАББИЙДАН "ХЭТ-ТРИК"

Хабарингиз бор, футбол бўйича Англия терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Фабио Капелло кутилмаганда истеъфога чиқди. Мазкур шов-шувли ахборот бутун дунёни ҳайратга солаётган бир вақтда мамлакат жамоаси учун вақтинчалик мураббий тайинланди. Унинг исми — Стюарт Пирс.

Янги мураббий тез кунда жамоасини 29 февралда Голландияга қарши ўтказиладиган ўртоқлик учрашувига тайёрлаши керак, деб хабар берди Англия футбол ассоциацияси (FAE) расмий сайти. Ҳозирги кунда FAE раҳбарияти терма жамоага бош мураббий тайинлаш учун номзодлар рўйхатини кўриб чиқмоқда.

49 ёшли Пирс ҳозирги кунда Англия ўсмирлар терма жамоасига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари, у шу йили Лондонда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Буюк Британия терма жамоасига ҳам устоздир.

Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ КАФЕДРАЛАРИДА МАВЖУД БЎЛГАН ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири:

1. *Тарих (1).*
2. *Умумий психология (1).*
3. *Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт (1).*
4. *Ботаника, экология ва уни ўқитиш методикаси (1).*
5. *Зоология, анатомия ва физиология (1).*
6. *Инглиз тили назарияси ва методикаси (1).*
7. *Ўзбек адабиёти (1).*
8. *Қозоқ тили ва адабиёти ўқитиш методикаси (1).*
9. *Педагогика ва педагогик технологиялар (1).*
10. *Психология (1):*
11. *Мусиқа ўқитиш методикаси (1).*
12. *Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1).*

Кафедра профессори:

1. *Математика ва уни ўқитиш методикаси (1).*
2. *Ўзбек адабиёти (1).*
3. *Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси (1).*
4. *Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, «Ахборот технологиялари» малака ошириш курси (1).*

Кафедра мудири ва кафедра профессори лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Юсуф Хос Ҳожиб, 103-уй, ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Мулоқот учун телефон: 255-68-70.

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Ўзбек тили ва адабиёти», «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» ҳамда «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» касбий қайта тайёрлаш курсларига олий педагогик маълумотли тингловчиларни шартнома асосида қабул қилади.

Ҳужжатлар 2012 йил 1 мартгача қабул қилинади.
Ихтисослик бўйича ўқиш муддати 4 ой.
Аттестация натижалари асосида давлат намунасидаги қайта тайёрлаш дипломи берилади.

Манзил: 700070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103, 5-бино.
«Ўзбек тили ва адабиёти» 255-58-78, 255-49-31
«Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» 255-61-97
«Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» 255-49-34

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ТАНЛОВ МУДДАТИ ТУГАГАН ВА БЎШ (ВАКАНТ) КАФЕДРА МУДИРИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ШАРТНОМА АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Шарқ тиллари" кафедраси бўйича:
- *кафедра мудири;*
- *катта ўқитувчи - 1 та.*

"Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси бўйича:
- *катта ўқитувчи - 1 та.*

"Халқаро иқтисодий муносабатлар" кафедраси бўйича:
- *катта ўқитувчи - 1 та.*

"Тарих" кафедраси бўйича:
- *кафедра мудири;*
- *доцент - 1 та.*

"Фалсафа" кафедраси бўйича:
- *катта ўқитувчи - 1та.*

"Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси" бўйича:
- *профессор - 1та.*

"Исломшунослик" кафедраси бўйича:
- *кафедра мудири.*

"Табиий фанлар" кафедраси бўйича:
- *катта ўқитувчи - 1 та.*

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- олий маълумоти, илмий даража ва унвони ҳақидаги дипломлар;
- малака оширгани ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;
- илмий ишлари рўйхати;
- танловдан ўтаётган шахснинг фаолияти ҳақида ҳисобот;
- профессор-ўқитувчилар дарсини ўрганиш сифат комиссиясининг хулосалари;
- кафедранинг профессор-ўқитувчи фаолияти, очиқ дарслари таҳлили муҳокамасига бағишланган мажлиси қарори.

Танлов муддати — эълон дастлаб чоп этилган кун («Ma'rifat» газетасининг 2012 йил 8 февраль №11 сони)дан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
А.Қодирий кўчаси, 11-уй,
Телефонлар:
(8-371)244-00-91, 244-95-99.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-218.
Tiraji 55127.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: G'olib BAHROMOV.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 01.50
Topshirildi — 02.00